




Tadqiqot.uz



**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Хуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



31 OKTYABR
№33

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 33-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
9-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
33-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-9**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
33-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-9**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)

КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 33-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 октябрь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 53 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ
ТУТГАН ЎРНИ

1. Khusainov Nadirshox Rakhmatullaevich THE ROLE OF MARKETING IN TOURISM	7
2. Nuriddinov Jahongir Fazliddin o'g'li, Sirojov Nurmat Nusrat o'gli TIJORAT BANKLARIDA KREDIT SO'NDIRILISHINING NAZARIY VA AMALIY MEKANIZMLARINING ASOSLARI.....	9
3. Сапарова Мохира Алишер кизи РАЗВИТИЕ ИННОВАЦИОННЫХ МАРКЕТИНГОВЫХ ИНТЕРНЕТ-ТЕХНОЛОГИЙ В МАЛОМ БИЗНЕСЕ.....	11
4. З.К.Рахимов ҚИШЛОҚДА СЕРВИС СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	13
5. З.К.Рахимов ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИ	16
6. Э.Н.Ходжаев, О.Ш.Жумақулов ИҚТИСОДИЁТГА КИРИТИЛАЁТГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР МИҚДОРИ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛДИР	19
7. А.П.Ҳазратов АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИНИНГ СОЦИАЛ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ РОЛИ.....	22
8. А.П.Ҳазратов ЎЗБЕКИСТОНДА АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.....	26
9. Хусайнова Лейла Юнусовна ПРОБЛЕМЫ ВНЕДРЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В УЧЕБНЫЙ ПРОЦЕСС ПО ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ ДЛЯ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ СФЕРЫ ТУРИЗМА.....	30
10. Хамракулова О.Д. ПРОБЛЕМЫ ПЕРЕХОДА НА ИННОВАЦИОННЫЙ ПУТЬ РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА.....	33
11. Хамракулова О.Д. ПРОБЛЕМЫ УЛУЧШЕНИЯ ИНВЕСТИЦИОННОЙ АКТИВНОСТИ И ФАКТОРЫ НА ЕГО ВЛИЯЮЩИЕ В ЭКОНОМИКЕ УЗБЕКИСТАНА.....	36
12. С.А. Бабаназарова РАҚАМЛИ ТАЪЛИМНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ТАЛАБА-ЎҚУВЧИЛАР ИҚТИДОРИГА ҚАРАБ ЎҚИТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ.....	39
13. Халикова Л.Н. ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ: ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШДА НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР	42
14. Ҳайдаров Ж.А. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	45
15. Ш.Б.Омонов ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИ ЯХШИЛАШ, ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ.....	48
16. Р.М.Мусаев, О.Ш.Жумақулов ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОТИДА ҲАР БИР ИНВЕСТИЦИЯ ТУРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎРНИ.....	50



ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

THE ROLE OF MARKETING IN TOURISM

Khusainov Nadirshox Rakhmatullaevich

Tashkent State University of Economics, master's degree

Abstract. This thesis states that the emergence of a tourism product as a result of marketing, and therefore the use of marketing in tourism, is the basis for communication and development with the customer.

Keywords: tourism, marketing, International Tourism Organization, services, consumer.

TURIZMDA MARKETINGNING O'RNI

Annotatsiya. Ushbu tezisdan marketing natijasida turistik mahsulotning paydo bo'lishi va shu sababdan ham turizm marketingni qo'llash mijoz bilan aloqaga kirishish hamda rivojlanishning asosi ekanligi keltirilgan.

Kalit so'zlar: turistik xizmat, marketing, Xalqaro turizm tashkiloti, xizmatlar sohasi, iste'molchi.

Tourism marketing is a system for managing and organizing the activities of tourism companies to develop new, more efficient types of tourist and excursion services, their production and sale in order to make a profit based on improving the quality of the tourism product and taking into account the processes that take place in the global tourism market [1].

It should be noted that the problem of marketing in tourism at one time was dealt with by such foreign and domestic scientists as: Durovich AP; Philip Kotler; Papiryan G.A.; James Makens; Rogov G.K.; V.I. Azar; John Bowen; T.P. Rozanova; Rieger A.; Karpova G.A.; Sounders J.; Garanin N.I. other [2,3].

Tourism in its main characteristics does not have any fundamental differences. Therefore, all the essential provisions of modern marketing can be fully applied in tourism. At the same time, tourism has its own specificity that distinguishes it not only from trade in goods, but also from other forms of trade in services. Here there is trade, both in services and in goods, as well as a special nature of the consumption of tourist services and goods in the place of their production, moreover, in a certain situation.

In traditional production, which has a specific result of labor, the concept of marketing has a more specific content. In tourism, the result of an activity is reduced to a tourism product. In fact, a tourist product is any service that meets certain needs of tourists and is payable on their part. Tourism services include hotel, transport, excursion, translation, household, utilities, intermediary and others. At the same time, the "tourism product" can be viewed in a narrow and broad sense. A tourist product in the narrow sense is the services of each individual tourism sector. In a broad sense, a tourism product is a complex of goods and services that together form a trip. The tourist product, along with the general specific characteristics of services, has its own distinctive features:

is a complex of services and goods characterized by a complex system of relationships between various components.

- the demand for tourism services is extremely elastic in relation to the level of income and prices, but largely depends on political and social conditions.

- the consumer, as a rule, cannot see the tourist product before its consumption, and the consumption itself, in most cases, is carried out directly at the place of production of the tourist service.

- the tourism product is created by the efforts of many enterprises, each of which has its own



methods of work, specific needs and different commercial goals.

The quality of tourism services is influenced by external factors of a force majeure nature (natural conditions, weather, tourism policy, international events, etc.). These specific features of the tourism product have a significant impact on tourism marketing.

The World Tourism Organization (WTO) identifies three main functions of tourism marketing [4]:

- Establishing contacts with clients;
- development;
- control.

Establishing contacts with customers aims to convince them that the proposed destination and the services available there, services, attractions and expected benefits fully correspond to what the customers themselves want to receive.

Development involves designing innovations that can provide new sales opportunities. In turn, such innovations must meet the needs and preferences of potential customers.

Monitoring involves analyzing the results of activities to promote services to the market and checking how these results reflect the truly full and successful use of the opportunities available in the tourism sector.

So, marketing provides not only effective satisfaction of market needs, but also the success of the enterprise in the competition. Having originated in the industrial sphere, marketing for a long time did not find appropriate application in the field of tourism. However, the increase in competition, the commercialization of tourist activities led to the need for the earliest possible introduction of the basic elements of marketing into the practice of a tourist enterprise. At the same time, tourism has certain features related to the nature of the services provided, forms of sales, and so on. In order to actually use marketing as a reliable tool for achieving success in the market, specialists of tourism enterprises need to master its methodology and the ability to apply it depending on a specific situation. All travel companies are trying to apply marketing in their activities, studying the supply and demand for specific travel services, setting prices for a new project, advertising their services, and so on. And here marketing acts as a compass that allows you to guide the activities of the company towards the intended goal in a safer way.

Tourism belongs to the service sector and is one of the largest and most dynamic sectors of the economy. The high rates of its development, large volumes of foreign exchange earnings actively influence various sectors of the economy, which contributes to the formation of its own tourism industry.

References

1. Колесник Е. А. // Сущность и содержание маркетинга в туризме // http://www.rusnauka.com/14_NPRT_2010/Economics/66346.doc.htm;
2. Kotler, Philip & Zaltman, Gerald (July 1971). "Social Marketing: An Approach to Planned Social Change". *Journal of Marketing*. 35 (3). pp. 3–12;
3. *Marketing for Hospitality and Tourism* by James C. Makens □ John T. Bowen and Philip Kotler (2009 Hardcover);
4. Making Tourism More Sustainable // https://wedocs.unep.org/bitstream/handle/20.500.11822/8741/-Making%20Tourism%20More%20Sustainable_%20A%20Guide%20for%20Policy%20Makers-2005445.pdf?sequence=3&isAllowed=y



TIJORAT BANKLARIDA KREDIT SO'NDIRILISHINING NAZARIY VA AMALIY MEKANIZMLARINING ASOSLARI

Nuriddinov Jahongir Fazliddin o'g'li

Samarqand Iqtisodiyot va servis instituti magistranti
+998 93 230 73 37

Sirojov Nurmat Nusrat o'g'li

Samarqand Iqtisodiyot va servis instituti magistranti
+998 91 402 10 83

Annotatsiya: Biz ushbu tezisimizda kredit munosabatlar juda zamonaviy jamiyatda muhim rol o'ynashini, kredit portfelini tashkil qilishdan boshlab ularning moliyaviy iste'molchilar tomonidan o'z vaqtida qaytarilishi, qaytarilmagan holda ularning qaytarilish mexanizmini yaratishni, kreditning moliyaviy korxonalariga qaytarilish usullarini ko'rib chiqish hisoblanadi.

Kalit so'zlar: innovatsiya, moliyaviy yangilik, yangi segment, investitsiyalar, sug'urta biznesi, moliyaviy lizing, trust operatsiyalar, tijorat qog'ozlari bozori.

Kredit munosabatlari zamonaviy jamiyatda juda muhim rol o'ynaydi. Statistik ma'lumotlarga ko'ra, deyarli har bir shaxs hayotida kamida bir marta qarz oladi. Ko'pgina iste'molchilar uchun bank krediti qimmat kvartira yoki mashina xarid qilishning deyarli yagona yo'li. Har yili ko'proq foydalanuvchilar kredit olishadi, lekin ular har doim ham o'z vaqtida qaytarib bera olmaydi. Bu qarz oluvchilarning banklar oldidagi qarzlarning oshishiga olib keladi. O'zlarini mumkin bo'lgan yo'qotishlardan iloji boricha himoya qilish uchun banklar majbur kredit ta'minoti masalasini nazorat qiladi. Shuni hisobga olib, zarur kredit ta'minoti nima ekanligini va uning xususiyatlari nima ekanligini bilish va tushunish kerak.

Eng umumiy shaklda garov deganda jamlanma tushuniladi biror narsani kafolatlangan saqlashga qaratilgan muayyan harakatlar. S.I. Ojegova hamda va N.Yu. Shvedovanning izohli lug'atida xavfsizlik deganda "kimnidir yoki biror narsani (moddiy qadriyatlar, pul) ta'minlaydigan narsa" tushuniladi. Shunga o'xshash ta'rif D.N. Ushakovning lug'atida mavjud: "Xizmat qiladigan narsa xavfsizlikni ta'minlaydigan obyekt kafolat hisoblanadi". Iqtisodiy nashrlarda xavfsizlikning mohiyati kengroq talqin qilinadi. Xususan, Zamonaviy iqtisodiy lug'atda "xavfsizlik degani" chora-tadbirlar va vositalar to'plami; iqtisodiy jarayonlarning normal borishi uchun qulay shart-sharoitlarni yaratish, rejalashtirilgan rejalar, dasturlar, loyihalarni amalga oshirish, iqtisodiyotning barqaror ishlashini ta'minlash, tizim va uning ob'ektlari, nosozliklar, qonunlar buzilishining oldini olish, me'yoriy o'rnatishlar, shartnomalardir.

Mumkin bo'lgan kredit xavflarini minimallashtirish uchun, banklar mijozlardan to'lov qobiliyati tasdiqlashni talab qiladi. Shu tariqa, ular qarz oluvchidan qarz olish mumkin bo'lmaganda yo'qotmasligi uchun aniq kafolatlar oladi:

1. **Garov** - eng ommaviy va e'tiborli usul hisoblanadi, qarz oluvchini o'z vazifalarini unutmastikka, bank tomonidan kelishuvning barcha shartlarini puxta bajarishga ixtisoslashtiradi.

2. **Kafillik** ta'minlashning keng tarqatilgan shakli oddiy fuqarolarga nisbatan ham, kredit kompaniya va tashkilotlarga ham qo'llaniladigan usul hisoblanadi. Kafillik uchinchi tomonning, kredit kelishuvlari ishtirokchisidan mablag'larni olish mumkin bo'lmagan taqdirda kredit qaytarish to'g'risidagi yozma tasdiqlangan majburiyatidir. Kredit bitimida kafillikdan foydalangan holda, qarz beruvchi va qarz oluvchidan tashqari, qarz oluvchi bilan birgalikda qarzdor sifatida majburiyatlarni qabul qiladigan yana bir shaxs ishtirok etadi. O'zbekistonda amaldagi qoidalarga muvofiq, kafillik qarzdor tomonidan kredit majburiyatlarini bajarilishini nazorat qilish va unga qarzni to'liq yoki qisman qoplash uchun yordam berishga majburdir. Agar qarz qaytarilmasa, kreditni qaytarish vazifasi kafilga topshiriladi.

Bank kreditining qaytarilishini ta'minlash usullari shartli ravishda **to'rt** guruhga bo'linishi mumkin:

1. iqtisodiy
2. huquqiy
3. kadrlar bo'yicha
4. tashkiliy-uslubiy yordam.

1. **Iqtisodiy usullar** quyidagilarni o'z ichiga oladi: qarz oluvchining yoki kredit muassasasining



kredit layoqatini baholash, kreditni o'rganish va tahlil qilish qarz oluvchining tarixi (kredit byurolari ma'lumotlarini ishlatganda), kreditlarning xizmat ko'rsatish sifatini baholash, yaratilgan zaxiralarning muammoli kreditlarni yo'qotish uchun etarli ekanligini aniqlash.

2. **Huquqiy usullar** kredit shartnomasi, garov shartnomasi, sug'urta shartnomasi va h.k. larni to'g'ri rasmiylashtirishda, shuningdek, kreditning qaytarilishini ta'minlashning aniq shakllarini mustahkamlashda tuziladi.

3. **Kadrlar jihatidan** malakali xodimlarni jalb qilish va xodimlarni o'qitishni o'z ichiga oladi.

4. **Tashkiliy-uslubiy** yordam rasmiylashtirish bo'yicha uslubiy tavsiyalar va ko'rsatmalar yaratishni o'z ichiga oladi oliy ijro etuvchi rahbariyat tomonidan kredit berish va vakolatlarni topshirish bo'yicha qarorlar qabul qilish jarayoni, har biri uchun kredit limitlari va foiz stavkalarini hisoblash, garovlarning ayrim toifalari uchun chegirmalar hisoblash va monitoring va qayta baholash tartib-qoidalari, kreditni qaytarish va foizlarni o'z vaqtida nazorat qilish tartibi hisoblanadi.

Kreditning dastlabki va keyingi davrlarga qaytarilishini ta'minlash usullarini ajratish, oldindan taxmin qilinadigan choralarni tasniflashga imkon beradi va kredit qaytarilmasligi dan zarar oldini olish, shuningdek, qo'llash berilgan kreditlarni qaytarmaslik holatlariga tezkor javob berish uchun bank kredit mutaxassislarining ko'nikmalari va ko'nikmalari hamda undiruv jarayonida qabul qilinayotgan qarorlarning to'g'riligini ta'minlash muddati o'tgan qarz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati :

1. Балабанов И.Т., Инновационный менеджмент, Питер, 2001;
2. Фоломьев А.Н., Экономика инноваций, РАГС, 2009.
3. Коробовой Г.Г., Банковское дело, Инфра-М, 2008.
4. Молчанов О.П., Инновационный менеджмент, Вита -Пресс, 2001.
5. <http://venture-biz.ru/tekhnologii-innovatsii/192-bankbudushego>.
6. <http://www.banki.ru/blog/yantipov>.



РАЗВИТИЕ ИННОВАЦИОННЫХ МАРКЕТИНГОВЫХ ИНТЕРНЕТ-ТЕХНОЛОГИЙ В МАЛОМ БИЗНЕСЕ

Сапарова Мохира Алишер кизи ,
студентка экономического факультета УрГУ
Телефон: +998999608898
manzuramohira@mail.ru

Аннотация. Статья посвящена определению перспективных направлений исследования маркетинговых интернет-технологий в области малого бизнеса. Рассмотрены подходы к адаптации маркетинговых процессов малых предприятий к деятельности в условиях цифровой экономики на основе инновационных маркетинговых интернет-технологий.

Ключевые слова: маркетинг, маркетинговые интернет-технологии, интернет-маркетинговые коммуникации, малый бизнес, информационные ресурсы, коммуникационные каналы.

В настоящее время развитие малого бизнеса (МБ) является одним из наиболее важных факторов, обеспечивающих рост экономики Узбекистана, способствующих повышению уровня занятости населения и развитию инноваций. Важным условием эффективной работы предприятий малого бизнеса является наличие отлаженных механизмов государственной защиты рынков от монополизации крупными игроками. Кроме того, первостепенную роль играет активность самых малых предприятий, направленная на повышение своей конкурентоспособности. Чтобы выжить и динамично развиваться, субъекты МБ должны разрабатывать эффективные инновационные маркетинговые стратегии и использовать современный инструментарий маркетинга.

Связи с этим, инновационный маркетинг – это концепция маркетинга, при которой предприятие должно постоянно модернизировать свои маркетинговые продукты и методы. Главной целью всех нововведений в маркетинговой деятельности является сохранение и поддержание состояния равновесия между уже установившимися процессами и инновациями (рост уровня конкурентоспособности, высокий уровень производственного процесса, модернизация технологического процесса и операций, связанных с ним, расширение позиционирования на рынке и др.).

В области инновационного маркетинга выделяется множество разнообразных видов деятельности, которые непосредственно связаны с анализом рынка, развитием стратегической направленности компании по разработке новых продуктов и реализации данных стратегий. Для того чтобы добиться успеха в реализации своего продукта, следует обязательно использовать стратегические маркетинговые методы, которые как раз и связаны с разработкой новых технологий как интернет-технологии маркетинга.

Вместе с тем общеизвестно, что интернет-технологии маркетинга, являясь важной составной частью цифровой экономики, играют существенную роль в процессе цифровизации субъектов малого бизнеса, отвечающей стратегии «Цифровой Узбекистан-2030»[1].

Сегодняшний день мировая и отечественная статистика развития коммуникационного инструментария показывает, что интернет в настоящее время является крупнейшим и наиболее децентрализованным сегментом маркетингового коммуникационного поля. Согласно статистическим данным, интернет-сегмент, существенно превосходя по объемам такие крупнейшие сегменты глобального рекламного рынка, как телевидение и наружная реклама, предлагает бизнесу разнообразные, гибкие по форме и содержанию коммуникационные каналы и технологии.

Вследствие этого возникает уникальная возможность формировать экономически эффективные управленческие решения в результате внедрения маркетинговых интернет-технологий в деятельность предприятий малого бизнеса, действующих в условиях разнообразных ограничений, прежде всего финансовых.

Так же разработана классификация технологий интернет-маркетинга и систематизированы показатели оценки эффективности технологий интернет-маркетинга для предприятий малого бизнеса. В отличие от других, классификация и система показателей определяют функциональные особенности технологий интернет-маркетинга, распределяя их



относительно методов интернет-маркетинга, представленных в коммуникационных, конверсионных и процессах монетизации интернет-маркетинга на основе поведенческих характеристик единиц целевой аудитории, образующих информационный поток интернет-маркетинга.

Предложенная в 1 рисунке классификация видов и система показателей оценки эффективности технологий интернет-маркетинга позволяют описать конверсионную эффективность, характеризующую процесс перехода коммуникативных эффектов от интернет-маркетинговой деятельности предприятий малого бизнеса в экономические.




Рисунок 1. Классификация технологий интернет-маркетинга в структуре технологий маркетинга предприятий малого бизнеса[2]

В рамках классификации выделяется три вида технологий интернет-маркетинга.

1. Коммуникационные технологии интернет-маркетинга направлены на взаимодействие с источниками интернет-маркетинговых коммуникаций в виде интернет-сайтов и производных от них структур

2. Конверсионные технологии интернет-маркетинга направлены на преобразование интернет-маркетинговых коммуникаций в целевые запросы аудитории предприятий малого бизнеса, представляемые в интерфейсах систем веб-аналитики.

3. Технологии монетизации интернет-маркетинга направлены на обобщение экономической эффективности коммуникационных и конверсионных технологий, преобразование целевых запросов аудитории предприятия малого бизнеса в денежный поток – получение предприятием дохода от интернет-маркетинговой деятельности.

На основе проведенного в статье исследования стоит отметить, что интернет-маркетинговые технологии должны учитывать развитие комплексной системы интернет-маркетинга и адаптировать ее к условиям ведения маркетинговой деятельности предприятиями и организациями малого бизнеса.

Таким образом, результаты проведенного анализа перспективных направлений исследований в области маркетинговых интернет-технологий показывают, что интернет-маркетинг все в большей степени интегрируется в деятельность коммерческих предприятий, затрагивает деятельность субъектов малого бизнеса. Методы интернет-маркетинга находятся в состоянии взаимодействия, что делает актуальным поиск, создание способов, методов и моделей исследования результатов такого взаимодействия – потребителя, описываемого с позиций определенных поведенческих характеристик.

Используемые литературы:

1. Указ Президента Республики Узбекистан об утверждении стратегии “Цифровой Узбекистан-2030” и мерах по её эффективной реализации, г.Тошкент, 5 октября 2020 г., №УП-6079.

2. Коваленко .А.Е “Формирование и развитие технологий интернет-маркетинга в предприятиях” Автореферат .Екатеринбург 2020 г.стр-11-12.



ҚИШЛОҚДА СЕРВИС СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

З.К.Рахимов

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
“Рақамли иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада қишлоқда сервис соҳасини ривожлантиришнинг замонавий ёндашувлари, сервиснинг аҳамияти, мазмуни ва сервисни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлашнинг назарий жиҳатлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Сервис, хизмат, инфратузилма, қишлоқ, қишлоқ хўжалиги, аҳоли, бандлик, модернизация, технология, рақамли технологиялар.

Аннотация: В статье освещены значения и содержание современных подходов к развитию сферы услуг в сельской местности, а так же, теоретические аспекты трудоустройства через развитие услуг.

Ключевые слова: Сервис, услуга, инфраструктура, поселок, сельское хозяйство, население, занятость, модернизация, технологии, цифровые технологии.

Annotation: The state highlights the meaning and content of modern approaches to the development of the service sector in rural areas, as well as the theoretical aspects of employment through the development of services.

Key words: Service, service, infrastructure, village, agriculture, population, employment, modernization, technology, digital technologies.

Мамлакат аҳолисининг ортиши билан бирга аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини такомиллаштириш масаласи долзарб ҳисобланади. Ҳар бир ривожланаётган мамлакат сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини такомиллаштиришга катта эътибор беради ҳамда иқтисодий ривожланган мамлакатлардан тажриба ўрганишга ҳаракат қилади.

Маълумки сервис ва хизмат кўрсатиш тушунчалари ўзаро яқин. Улар хусусий ёки давлат секторларида кўп учраб туради. У инсон ва корхона ёки ташкилот ўртасидаги муносабатни изоҳлайди.

Бугунги кунда хизмат кўрсатиш корхоналарининг энг самарали усулларидан бири – бу, доимий равишда ўз рақибларига қараганда яхшироқ хизматни таклиф қилишдир. Бунинг учун, хизмат кўрсатувчи корхоналар мижозларининг кўрсатилган хизмат сифатига берган баҳосига эътибор қаратишлари лозим. Кўпинча, хизмат кўрсатувчилар ҳақида истеъмолчиларнинг таҳминлари ўтмишдаги тажрибалар, миш-мишлар ва реклама орқали шаклланади. Аксарият ҳолларда, истеъмолчилар хизмат кўрсатувчи корхона ҳақида ўзларининг тажриба ва таҳминларини хизмат кўрсатилганидан сўнг таққослайдилар. Агарда истеъмолчи томонидан кутилаётган сервис хизматлари ҳақиқатдаги билан мос келмаса, харидор сотувчига бўлган қизиқишни йўқотади ва аксинча, агарда истеъмолчи кутаётган сервис хизматлари кўрсатилса, харидор хизмат кўрсатувчи корхонага яна мурожаат қилади. Сервис хизматлари кўрсатишнинг бир нечта турлари мавжуд, уни **1-расмда** келтирдик:



1-расм. Сервис хизматларининг турлари¹

1-расмдан келиб чиқиб, сервис хизматлари куйидаги функцияларни бажаради:

1. Сотишдан олдинги сервис хизматлари (истеъмолчиларнинг талабини қондириш сервис хизматлари) – бу, ишлаб чиқарувчи (ўзининг агентлари, диллерлари орқали) потенциал харидорларнинг таклиф этилаётган маҳсулотга бўлган талабларини ҳар томонлама ўрганади. Техник хизмат кўрсатиш бўлими ходимлари ҳужжатларни тайёрлашда, лойиҳалаш ва ишлаб чиқиш, синов ва баҳолаш ишларида қатнашадилар. Товарлар савдо нуқталарига етиб келганидан сўнг, сервис ходимлари юкларни ташишда юзага келган муаммоларни бартараф этишади, ускуналарни ўрнатишни амалга оширадилар ва иш ҳолатига келтирадилар;

2. Ишлаб чиқарувчи томонидан кўрсатиладиган сервис турлари – бу, харид шартномаси тузилганидан бошлаб (ёки харид қилинганидан) товар етказиб берилгунга қадар истеъмолчига кўрсатиладиган сервис тўпламини қамраб олади;

3. Сотишдан кейинги сервис – ўз ичига маҳсулотнинг бутун ҳаёт давомида мавжуд шароитда самарали ишлашини таъминлаш учун зарур бўлган хизматлар мажмуини қамраб олади. Сотишдан кейинги сервис товарларни сотишдан олдин ҳам, товар сотилгандан кейин ҳам амалга оширилади ва куйидаги асосий фаолият турларини ўз ичига олади:

- маҳсулотни ишлаб чиқариш босқичида (асосий истеъмолчилар билан биргаликда) истеъмолчиларга сотишдан кейинги сервисларга талабларни аниқлаш;
- товарларни сотилгандан кейин истеъмолчига кўрсатиладиган сервисни аниқлаш;
- сотишдан кейинги сервис тартибини товарни истеъмолчига етказиб бериш шартномасини тузиш жараёнида белгилаб олиш;
- товарларни сақлаш, таъмирлаш ва зарур ҳужжатларни тайёрлаш бўйича ходимларни ўқитиш;
- истеъмолчига сотишдан кейинги сервисни амалга ошириш учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар ва воситалар билан таъминлашни ташкил қилиш;
- истеъмолчига сотишдан кейинги сервис кўрсатишни бошқариш (режалаштириш, бухгалтерия ҳисоби, назорат, мотивация, тартибга солиш);
- сотишдан кейинги сервис хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган инфратузилмани тайёрлаш;
- эски товарларни янгисига алмаштириб бериш ва эскисини йўқ қилишни (утилизация қилиш) тизимини йўлга қўйиш.

Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ жойларида катта маблағ талаб этмайдиган сервис фаолиятини йўлга қўйиш билан у жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш мумкин. Хизматлар соҳаси бўйича етакчилик қилаётган мамлакатларда қишлоқ аҳолиси асосий иш фаолиятидан ажралмасдан туриб қишлоқда туризм сервисини ташкил этган. Бунинг натижасида шаҳар аҳолиси ва чет эл фуқаролари туристик ташрифи давомида қишлоқ маданиятини ўрганиши билан у жойларда тунаш, савдо, гид ва бошқа хизматлардан кенг фойдаланмоқда.

¹ Муаллиф ишланмаси



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Пардаев М.Қ. “Хизматларнинг ижтимоий-иқтисодий табиати ва уни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари” (назарий жиҳатлар) // Сервис. – Самарқанд, 2009. – № 1. Б. 37-44.
2. Очиллов И. Бозор муносабатлари шароитида хизматларнинг турлари ва уларнинг таснифи. // Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларнинг ривожлантириш: муаммолари ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2008 Б. 37.
3. Мухаммедов М.М., Мардонов Б.Б. Хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлиги ва даромадлари. Монография. “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”. 2021. 186 б.
4. Мирзаев Қ.Ж. Агросаноат иқтисодиёти. Монография. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. САМИСИ. –Т.: “Иқтисод-Молия”, 2013. – 212 б.



ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИ

З.К.Рахимов

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
“Рақамли иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада қишлоқда сервис соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари, сервис соҳасининг ривожланиш ҳолати, унинг аҳамияти ва мазмуни ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Сервис, хизмат, маҳсулот, инфратузилма, қишлоқ, аҳоли, бандлик, модернизация, технология, рақамли технологиялар.

Аннотация: В статье описаны организационно-экономические механизмы развития сферы услуг в сельской местности, состояние развития сферы услуг, ее значение и содержание.

Ключевые слова: Сервис, услуга, продукт, инфраструктура, село, население, занятость, модернизация, технологии, цифровые технологии.

Annotation: The article describes the organizational and economic mechanisms for the development of the service sector in rural areas, the state of development of the service sector, its significance and content.

Key words: Service, service, product, infrastructure, village, population, employment, modernization, technology, digital technologies.


Ўзбекистон Республикасида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш шароитида ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳасини ҳам янада ривожлантиришга 2017 йил 7-февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонида белгилаб берилди. Бу эса, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантиришга, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулот таркибида хизматлар улушини ва ролини ошириш, кўрсатилаётган хизматларнинг таркибини ҳамда тузилмасини, энг асосийси, хизмат кўрсатишнинг замонавий, технологик турларини тубдан ўзгартиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги, хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида катта аҳамият касб этишидан далолат беради. Шу сабабли, хизмат кўрсатиш ва сервисни яхшилаш ва бу соҳани доимо инновацион ташкил этиш муҳим вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Қишлоқда сервис хизматини узлуксиз ва самарали фаолиятини ташкил этиш учун зарур бўлган молиявий ричаглардан, яъни маблағлар билан таъминлаш (банк, кредит, ўзининг молиявий маблағлари) ҳамда қишлоқда сервис хизматларини келгуси ривожланиши ва самарадорлигини ошириш имкониятини яратувчи молиявий жиҳатлардан иборат.

Бугунги кунда, мамлакатимизда ишлаб чиқариш корхоналарига хизмат кўрсатиш ва сервисга бўлган талаб ортиб бормоқда. Ишлаб чиқариш корхоналари модернизацияланиши билан бирга янги технологияларга, шу жумладан хизмат турларига ҳам талаб кучаймоқда. Иқтисодиётда хизматларнинг ўрнини аниқлаш учун, тадқиқот олиб борилаётган Самарқанд вилоятининг ялпи ҳудудий маҳсулоти таркибини ўргандик. **1-диаграмма.**



1-диаграмма.¹



1-диаграмма. ЯҲМ таркибида саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш ҳажми ҳамда ўсиш суръатлари (млрд. сўмда)

Самарқанд вилояти табиий иқлим шароити билан бошқа вилоятлардан ажралиб туради. Вилоятда қишлоқ хўжалиги фаолиятини олиб бориш учун барча имкониятлар мавжуд. Шунинг учун, вилоятда қишлоқ хўжалиги корхоналарига бўлган эътибор доим ортади.

1-диаграмма маълумотларидан кўриш мумкинки, қишлоқ хўжалиги корхоналарида ўсиш мавжуд, аммо, иқтисодий ривожланиш билан бирга чегараланган ресурслардан оқилона фойдаланиш, корхоналар самарадорлигини ошириш учун, уларга хизмат кўрсатувчи корхоналарни модернизациялаш зарурияти мавжуд. Хизмат кўрсатишни янгича ёндашув билан ташкил этиш орқали ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини истеъмолчига етказиб бериш учун бажариши керак бўлган ишлар кетма-кетлигини енгиллаштириш, айнан истеъмолчи истаган кўринишдаги товар ва хизматни шакллантириш имконини яратиш мумкин.

Аҳолининг замонавий сервисга бўлган эҳтиёжларини қондириш, айниқса қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўз навбатида, қишлоқ жойларида хизмат кўрсатишни ривожлантириш, хизмат кўрсатишни замонавий технологиялар асосида ташкил этиш орқали ресурслар сарфини тежашга имкон яратувчи инновацион иқтисодиётни барпо этиш учун шароит яратиб беради. Мамлакатимизда хизматларни ривожлантириш учун бажарилаётган туб ўзгаришларни амалга оширишда хусусий секторнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш, хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини сервис даражасигача етказишга ҳам эътибор бериш лозим.

Бугунги кунда, мамлакатимиз аҳолисининг ўсиб бораётган озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда аграр соҳани жадал ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги тармоғига рақамли технологияларни қўллаш ҳамда уларнинг қатор соҳалар, тармоқлар билан турли кооперация ва интеграцияга киришига асосланиб юқори самарадорликка эришиши республикаимиз иқтисодиётининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳудудларда мавжуд корхоналар ўртасида соғлом иқтисодий муҳит яратади, аҳоли учун кўрсатилаётган хизматларни сервис даражасига етказиш ҳамда янги иш ўринларини очишга, ўз касбининг етук мутахассис кадр (Олий ўқув юртлари битирувчи)ларини иш билан бандлигини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, сўнгги йилларда қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш тенденциялари кузатилмоқда. Аммо, хизмат кўрсатиш соҳасини рақамли технологиялар билан таъминланиши билан бирга хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини

¹ Самарқанд вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси. 6.04.2021 й. <https://samstat.uz/uz/default/choraklik-natijalar/5708-choraklik-natijalar-2020>



янада оширишга эришиш имконияти туғилади. Бундай технологиялар хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятида хизматларни такдим этиш, бозор эҳтиёжлари ҳақида ахборотларни йиғиш, рақобатчилар ҳақида маълумотларни олиш ва кўрсатилган хизматлар ҳақида мижозларнинг фикрини тез ҳамда осон билишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси.: Халқ сўзи газетаси 2020 йил 25 январь № 19.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5-октябрда “«Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079 сонли фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралда “Ўзбекистон Республикасида 2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 55-сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси ахборотномаси.
<https://www.samstat.uz/uz/> – Самарқанд вилояти статистика бошқармасининг электрон сайти.



ИҚТИСОДИЁТГА КИРИТИЛАЁТГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР МИҚДОРИ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛДИР

Э.Н.Ходжаев

Ўзбекистонда хизмат кўрсаткичган иқтисодчи,
Молия кафедраси профессори.
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти.

О.Ш.Жумакулов

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, магистранти

Аннотация: ушбу мақолада хорижий сармояларни жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва зарурий шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири эканлигига алоҳида эътибор қаратилган. Иқтисодиётдаги инвестиция ҳажмининг йилдан-йилга сезиларли равишда ўсиб бориши ҳамда муқаррар равишда миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши орқали ўзининг ижобий натижаларини кўрсатиши асослаб берилган.

Калит сўзлар: солиқ имтиёзи, миллий иқтисодиёт, инвестиция, мижоз, лойиҳавий молиялаштириш.

Инвестиция сиёсати ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши ва унда ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг энг асосий йўналишларидан биридир. Шундай экан, миллий иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш фаол инвестиция сиёсатини олиб боришни талаб қилади. Бу ўз навбатида мамлакатимизда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишни таъминлайди. Миллий иқтисодиёт соҳаларига ташқи ва ички инвестициялар оқимини фаоллаштириш иқтисодий юксалишнинг янги босқичини бошлаб берадиган асосий омил ҳисобланади.

Республикамизда инвестиция дастури доирасида иқтисодиётда таркибий қайта тузишларни янада чуқурлаштириш ҳамда инвестицияларни кенг кўламда жалб этиш сиёсати изчиллик билан амалга оширилмоқда. Шу туфайли йилдан-йилга республика иқтисодиётига киритилаётган инвестициялар ҳажми ортиб бормоқда. Ушбу инвестицион сиёсатни амалга ошириш иқтисодиётнинг энг қуий бўғини ҳисобланган хўжалик юритувчи субъектлардан ҳам молиявий фаолият билан кенг кўламда ва самарали шуғулланишларини талаб қилади.

Зеро, ушбу устувор вазифани адо этиш юртимизда фаолият олиб бораётган корхоналар олдида ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, бозор рақобатларига бардош бериш, ўз мижозларини кўпайтириш, улар олдидаги имижини кўтариш, шунингдек, мавжуд активлар ҳар бир сўмининг бекор туриб қолишининг олдини олиш, шу асосда пировард натижада олинадиган фойдани янада кўпайтиришга имкон берувчи молиявий фаолият билан ҳам шуғулланишни зарурат қилиб қўймоқда.

Шу боисдан ҳам юртимизга хорижий сармояларни жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва зарурий шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Ушбу турдаги корхоналарни рағбатлантириш асосан солиқ имтиёзлари орқали амалга оширилади. Чунки ҳар бир инвестор ўз сармоясини бирор ҳудудга киритар экан уни бефарқ қолдирмайдиган ва эътиборини тортадиган асосий масала, у ерда амал қилаётган солиқ қонунчилиги ҳамда солиқлардан берилаётган имтиёзлар масаласидир. Шу сабабдан солиқ имтиёзларини тўғри йўналишларда тақдим этиш, улардан самарали ва оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш лозим, акс ҳолда эса имтиёзларни беришдан кўзланган мақсадларга эришилмасликка олиб келади. Шунга кўра, иқтисодиётни фаол ривожлантириш кенг миқёсдаги инвестицияларни талаб қилади.

Демак, инвестициялар ҳар қандай иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи ва унинг тараққиётини таъминловчи куч экан, барча имкониятларимизни ишга солиб иқтисодиётимизга йўналтириладиган инвестициялар ҳажмини оширишимиз лозим, бунда:

- импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор тармоқларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёрдаги турмуш даражасини таъминлаш;

- хорижий инвестицияларни ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш;



- тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлаш;
- табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналарни барпо этишга кўмаклашиш;
- корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилаш орқали техник қайта қуроллантириш.

Юқоридаги вазифалар амалга оширилганда, иқтисодиётга киритилаётган инвестициялар миқдори ва унинг динамикаси мамлакатдаги иқтисодий ўсиш суръатларини белгиловчи асосий омиллардан бири сифатида ўзини намоён қилади.

Макроиқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналиши ҳам инвестиция сиёсати ҳисобланади. Сўнгги йилларда иқтисодиётда фаол амалга оширилаётган тузилмавий ўзгаришлар ва модернизациялаш жараёни инвестицион фаолликни таъминламоқда. Иқтисодиётдаги инвестиция ҳажмининг йилдан-йилга сезиларли равишда ўсиб бориши ҳамда муқаррар равишда миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши орқали ўзининг ижобий натижаларини кўрсатишига имкон яратмоқда.

Давлат томонидан инвестицион фаолиятни ривожлантиришга берилган эътибор ва кўллаб-қувватланши натижасида ЯИМ ҳажми ва инвестициялар миқдори ўсиш суръатларига эга бўлди 1 – жадвалга қаранг

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти ва инвестициялар ўсиш суръатларининг ўзгариши¹

Йиллар	ЯИМ (млрд. АҚШ доллари.)	Инвестициялар (млрд. АҚШ доллари.)	Инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши, фоиз ҳисобида
2002	7,4	1,4	18,9
2003	9,7	1,9	19,6
2004	12,2	2,5	20,5
2005	15,2	2,9	19,1
2006	17,0	3,3	19,4
2007	22,3	4,7	21,1
2008	28,1	6,5	23,1
2009	32,1	8,2	25,5
2010	38,7	9,7	25,1
2011	45,2	10,8	23,9

Жумладан, инвестицияларнинг ўсиш кўрсаткичи 2002-2011 йиллар оралиғида инвестициялар ҳажми 1,4 млрд. АҚШ долларида 10,8 млрд. АҚШ долларини ташкил қилиб, 2002 йилга нисбатан 7,7 мартага ортган. Ўзбекистонда жами инвестицияларнинг ЯИМдаги салмоғи 2002 йилда 18,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 23,9 фоизга тенг бўлди.

Мамлакатимизда инқирозга қарши чоралар дастурида мўлжалланган иқтисодиётни модернизациялаш асосида жалб этилган инвестиция ҳажми барқарор суръатларда ўсиб бормоқда ва унинг таркибида марказлашмаган инвестициялар улуши жадал суръатларда ўсиб бормоқда бу 2 – жадвал маълумотларида келтириб ўтилган. 2-жадвалга қаранг

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари.



**Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга йўналтирилган
инвестицияларнинг таркиби¹, фоиз ҳисобида**

Кўрсаткичлар	2000 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Жами	100	100	100	100	100	100
Давлат бюджети маблағлари	29,2	10,7	9,0	9,0	8,1	7,8
Корхона ва аҳоли маблағлари	39,1	60,0	59,0	53,9	46,9	47,3
Хорижий инвестиция ва кредитлар	23,2	19,0	22,8	25,8	32,4	28,8
Тижорат банкларининг кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	7,2	3,4	3,1	5,0	5,2	9,1
Бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари	1,3	6,9	6,1	6,3	7,4	7,0

Ушбу жараён ижобий ҳолат бўлиб, мамлакатда ялпи ички маҳсулотнинг барқарор суръатларда ривожланиши учун шарт-шароит яратмоқда.

Инвестиция ва инвестиция лойиҳаларининг аҳамиятидан келиб чиқиб, уларни молиялаштириш учун манбалар қидириб топиш, жалб қилиш ҳамда молиялаштиришни муайян шаклда тўғри ташкил этиш лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этади. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш ана шундай муваффақиятни таъминловчи самарали молиялаштириш шаклларида бири сифатида, асосан, йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда бир манбадан маблағларнинг етишмовчилиги юзага келганда, юқори рисклар мавжуд шароитда лойиҳаларни молиялаштиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ваҳобов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув кўлланма. - Тошкент: «Молия», 2010.
2. Ваҳобов А. ва бошқ. Халқаро молия муносабатлари: Дарслик /Муал.: А.Ваҳобов, Н.Жумаев, У.Бурханов. – Т.: «Шарқ», 2003.
3. Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик / Тошкент Молия институти. – Тошкент: «Ношир», 2011.
4. Ғозибеков Д., Э.Носиров. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Рисола. – Т.: «Иқтисод-молия». 2007. – Б. 48.
5. Ғозибеков Д. Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Тошкент: «Молия», 2003.

1 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари.



АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИНИНГ СОЦИАЛ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ РОЛИ

А.П.Ҳазратов

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
“Рақамли иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада алоқа хизматлари фаолиятининг социал самарадорлиги масалалари ёритилган. Унда социал самарадорлик кўрсаткичлари хусусида муаллифларнинг фикрлари келтирилган. Шунингдек, алоқа хизматлари фаолияти социал самарадорлигининг ошишида рақамлаштиришнинг роли кўрсатилган.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, рақамлаштириш, алоқа, хизмат, самара, самарадорлик, ижтимоий, социал, мезон.

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы социальной эффективности услуг связи. В нем изложены взгляды авторов на показатели социальной деятельности. Также подчеркивается роль цифровизации в повышении социальной эффективности услуг связи.

Ключевые слова: экономика, цифровизация, коммуникация, сервис, эффективность, эффективность, социальные, социальные, критерии.

Abstract: The article deals with the issues of social efficiency of communication services. It sets out the views of the authors on indicators of social performance. The role of digitalization in increasing the social efficiency of communication services is also emphasized.

Key words: economy, digitalization, communication, service, efficiency, efficiency, social, social, criteria.

Рақамлаштириш — иқтисодиётни ривожлантириш ва инсон ҳаётини яхшилаш борасидаги муҳим қадам ҳисобланади. У жамият ҳаётидаги социал-иқтисодий муаммоларни ечишга ИТ имкониятларини жалб этилишини, яъни интернет буюмлардан тортиб, электрон ҳукуматгача бўлган тизимларда ахборот технологияларини кўллашни назарда тутди.

Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида амалга оширилаётган ўзгаришлар мулк шаклидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектларга, шунингдек, аҳолининг барча қатламларига турли хизматлардан фойдаланишлари учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Хизмат кўрсатиш соҳаси — бу миллий иқтисодиётнинг хизматлар кўрсатишга тегишли ҳар хил тармоқлар йиғиндисидир. У ижтимоий характерга эга: ўз хизматларини аҳоли билан бир қаторда, юридик шахсларга ҳам таклиф қилади. Аҳолига кўрсатилаётган хизматлар — социал хизматлардир.

Иқтисодиётда рўй бераётган жараёнлар ва уларни ҳаракатлантирувчи механизмлар хусусида аниқ тасавурга эга бўлиш учун уларнинг мазмун-моҳиятини билмоқ зарур бўлади. Шу нуқтаи-назардан хизматлар кўрсатиш соҳасининг назарий-методологик асосларини тадқиқ қилиш муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

Луғатларда “хизмат” ва “сервис” тушунчаларнинг луғавий маънолари келтирилган бўлса, иқтисодий адабиётларда бу тушунчаларнинг иқтисодий моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинган. Жумладан, С.И. Ожегов тузган “Словарь русского языка”да “Услуга. 1. Действие, приносящее пользу, ... 2. Бытовые удобства, предоставляемые кому-н.”¹, яъни “наф келтирувчи ҳаракат”, “кимгадир маиший шароит тақдим этиш”, деган маънода изоҳ берилган. Ушбу луғатда: “Сервис. То же, что обслуживание”, яъни “сервис ҳам хизматдир”², дейилган. Демак, мазкур луғатда “хизмат” ва “сервис” бир хил ва улар “кимгадир маиший шароит яратадиган, наф келтирадиган ҳаракат”, деб қаралади. АҚШнинг Небраска штати Университети иқтисодиёт профессори Кэмпелл Р. МАККОННЕЛЛ ва Вашингтон штати Тинчокеан Лютеран Университети иқтисодиёт профессори Стэнли Л. БРЮларнинг “Экономикс: Принципы, проблемы и политика” номли асарининг “Тушунчалар ва атамалар луғати” қисмида (2-нчи том) “Услуга (service) – то, что неосвязаемо (невидимо) и в обмен на

¹ Ожегов С.И. СЛОВАРЬ РУССКОГО ЯЗЫКА. Ок. 57000 слов. Под. Ред. д-ра филол. наук, проф. Н.Ю. Швердовой. – 12-е изд. – М.: Рус. яз., 1978, стр.771.

² Там же, стр.656.



что потребитель, фирма или правительство готовы предоставлять что-либо ценное”, яъни “хизмат – бу сезиб бўлмайдиган (кўзга кўринмайдиган) ва унинг ўрнига қийматга эга бўлган қандайдир нарсани истеъмолчи, фирма ёки ҳукумат томонидан тақдим этилишидир”¹.

Қайд этилган манбаларда келтирилган фикрлардан хулоса қилиш мумкинки – “хизмат” ва “сервис” мазмунан ўхшаш ва маълум бир қийматга эга категориялар бўлиб, ўз истемолчиларига наф келтирадиган фаолият (ҳаракат) туридир. Бизнинг фикримизча, “хизмат” тушунчаси “сервис” тушунчасини ўз ичига қамраб олади. “Сервис” тушунчаси “хизмат” тушунчасини тўлдиради, у қўшимча хизмат кўринишида бўлади. Маълумки, компьютер ишлаб чиқарилиши, дастлаб, уларнинг савдосини ташкил этишга зарурият туғдиради. Бу хизматнинг дастлабки, асосий босқичидир. Кейинчалик эса уни таъмирлаш, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ва бошқа қўшимча хизмат (сервис хизмат)ларга эҳтиёжлар юзага келди.

Ривожланган давлатлар тажрибалари кўрсатишича, бугунги кунда глобаллашув ва жамиятни ахборотлаштириш шароитида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва иқтисодий ўсиши, мамлакатнинг ички ва ташқи инвесторлар учун жозибadorлиги маълум даражада алоқа хизматлари — ахборот инфратузилмаси ҳамда ахборот-коммуникация хизматларининг ривожланиш даражасига боғлиқ.

Алоқа воситалари, нафақат, ишлаб чиқариш жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқаришга, ресурсларни тежашга, айти пайтда, меҳнат шароитини яхшилашга ёрдам беради.

Кўлланиладиган техника воситалари характерига кўра алоқа почта алоқаси ва элект алоқасига бўлинади (қ.Электр алоқа).

Хизмат кўрсатиш соҳаси таркибида алоқа хизматлари алоҳида ўринга ва мавқеъга эга. Алоқа хизматларининг асосий вазифаси — юридик шахслар ҳамда аҳоли учун керак бўлган хизматларни яратиш ҳисобланади. Улар бозор механизмининг таркибий қисми бўлиб, унинг “мотор” ролини бажарувчи механизмидир. Алоқа хизматларисиз самарали бозор иқтисодиётини тассавур этиш ҳам мушкул.

Мамлакатнинг иқтисодий қудратини юксалтириш ва келажакда ривожланган давлатлар қаторидан жой олиш барча хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан, алоқа хизматлари фаолияти самарадорлигини оширишга бевосита боғлиқдир.

Шу сабабдан ҳам ҳозирги замон рақамли иқтисодиётга ўтиш даврининг бошидаёқ миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларида самарадорликга эришиш ва уни ошириб бориш масалалари биринчи ўринга қўйилди.

Назарияда ва амалиётда хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлиги социал ва иқтисодий кўринишларга бўлинади.

Шуни таъкидлаш лозимки, аксарият иқтисодий адабиётларда “социал самарадорлик” атамаси “ижтимоий самарадорлик”, “социал” тусдаги хизматларга эса “ижтимоий хизматлар”, деб қаралади.

“Ижтимоий” атамаси – жамият, умумий, жамоатчилик каби маъноларни англатади. Масалан, ижтимоий ишлаб чиқариш (жамият миқёсидаги ишлаб чиқариш), ижтимоий фанлар (жамият тўғрисидаги фанлар), ижтимоий тузум (жамият тузилиши) ва ҳоказо.

Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект фаолияти ва унинг натижаси умумжамият аҳамиятига эга. Аммо, бизнинг фикримизча, аҳолига кўрсатилаётган хизматларга “социал хизматлар”, хўжалик юритувчи субъектларнинг инсонлар меҳнати ҳамда турмуш шароитларини яхшилашга, уларнинг камол топишига йўналтирилган фаолияти натижасига эса “социал самарадорлик”, деб алоҳида урғу бериш мақсадга мувофиқдир.

“Социал” атамаси ижтимоий тавсифга эга бўлиб, у инсонлар ҳаётига ва уларнинг жамиятдаги муносабатларига тааллуқлидир.

Алоқа хизматлари аҳолининг турмуш шароитларини янада яхшилаш билан бир қаторда корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият юритаётган ходимларга қўлай меҳнат шароитларини яратишга ҳамда улар меҳнатининг жозибadorлигини оширишга хизмат қилади. Буларнинг барчаси алоқа хизматларининг социал натижасидир.

Социал самара, самарадорлик сўзлари адабиётда кўп йиллардан бери учраса-да, ҳалигача

¹ Макконнелл К.Р, БРЮ С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2 Т.: Пер. С англ. Т. 2. – Таллин, 1993, стр.398.



алоқа хизматлари фаолияти социал самараси, унинг мезони нима, у қандай кўрсаткичлар билан баҳоланади ва ўлчанади, деган саволларга ҳалигача тўлиқ жавоб йўқ.

Умуман олганда, инсоннинг ҳар томонлама ва уйғун ривожланиши учун замин яратишни мақсад қилиб қўйган жамиятнинг пировард социал натижага эришуви социал самарадорлик мезонидир.

Жамиятнинг ҳозирги ривожланиш босқичида мукамал инсоннинг камол топишида кўмаклашувчи ҳар қандай восита социал самарадорлик мезони ҳисобланади.

Алоқа хизматлари учун социал самарани битта мезон билан ўлчаб бўлмайди. Уни бир нечта мезон билан ўлчаш талаб қилинади.

Алоқа хизматларида социал самарани ўрганиш ва ўлчашда унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Алоқа хизматларидаги социал самарани иккига бўлиш мумкин:

- аҳолининг алоқа хизматларидан олинган социал самараси ёки алоқа хизмати самараси;

- алоқа хизматлари ходимларининг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш билан боғлиқ бўлган социал самара.

Алоқа хизматларида “сотувчи – сотиб олувчи” даражасида бевосита учрашув рўй беради – алоқа корхона (ташкилот)лари “хизматларни сотувчи”, аҳоли ҳамда турли корхона, ташкилот ва муассасалар эса “сотиб олувчи” мақомида бўлади. Социал самаранинг шакли – алоқалар ишининг натижасидир.

Фан-техника, жумладан, ахборот технологиялари тараққиёти ютуқларини алоқа тизимига тадбиқ қилиш меҳнат шароитини, аниқроғи, алоқа ходимлари ишининг социал самарасини оширишда муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Мижозлар эга бўладиган социал самара билан алоқа ходимлари эга бўладиган социал самара ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо қилади. Алоқа ходимлари оладиган социал самара мижозлар самарасига нисбатан омил ролини ўйнайди. Бошқача айтганда, алоқа хизматлари сифатининг ортиши – аҳоли турмуш даражасининг ҳамда корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари иш шароитининг яхшиланишига таъсир қилади. Яъни, юқорида таъкидланганидек, алоқа хизмати сифати ошса мижозлар эришадиган социал самарадорлик ҳам ошади.

Алоқа фаолияти социал самарадорлик кўрсаткичларини уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- мижозлар талаби қондирилишини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- хизмат кўрсатиш вақтининг камайишини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- меҳнат шароити ва характерининг яхшиланишини тавсифловчи кўрсаткичлар.

Мижозлар талабининг қондирилишини характерловчи кўрсаткичлар:

- алоқа хизматлари ҳажмининг илгарилаб бориши;
- аҳоли жон бошига тўғри келадиган алоқа хизматлари обороти;
- аҳолининг алоқа хизматларига қамраб олиниш даражаси;
- алоқа хизматларининг мавжуд хили билан аҳолини таништириш даражаси;
- аҳолининг алоқа шахобчалари билан таъминланиш кўрсаткичлари;
- алоқа хизматларининг аҳоли талабига мос келиши ва ҳоказолар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирги пайтда алоқа хизматлари фаолиятининг социал самарадорлигини оширишда инновацион хизматларнинг амалда жорий этилиши қўл келмоқда. Жумладан, ривожланган давлатларда XX асрнинг 80-нчи йилларидан бўён ҳисоб-китобларда қўлланилиб келинаётган банк карталарининг мамлакатимиз иқтисодиётига кириб келиши (дастлабки пайтда айрим ноқўлайликларни келтириб чиқарган бўлсада) алоқа хизматлари фаолиятининг ҳам социал, ҳам иқтисодий самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлди.

Мамлакатимизда тижорат банклари томонидан “Uzcard” ҳамда “Humo” тўлов тизимларининг миллий валютадаги банк карталари муомалага чиқарилган ва уларнинг инфратузилмаси кенгайиб бормоқда.

2021 йил 1 январь ҳолатига 25 776 минг дона банк карталари, 438 410 та тўлов терминаллари ҳамда 11 800 та банкомат ва инфокиосклардан ташкил топган.

Юртимизда иккита миллий чакана (“Humo” ҳамда “Uzcard”) тўлов тизимларининг Visa, Mastercard, China Union Pay ҳамда Мир халқаро тўлов тизимлари билан интеграцияси самарали амалга оширилган. Бу эса, ушбу халқаро тўлов тизимлари карталари фойдаланувчилари,



яъни мамлакатимизга ташриф буюрувчи туристлар, меҳмонлар учун кенг шарт-шароитлар яратган ҳолда "Humo" ҳамда "Uzcard" тўлов инфратузилмаси (банкматлар ва тўлов терминаллари тармоғи) орқали миллий валютада тўловларни амалга ошириш имкониятини беради¹.

Ўзбекистонда турли банк операцияларини масофадан амалга ошириш имкониятини берадиган хизматлар амал қилмоқда: миждозларнинг банк муассасасига ташриф буюрмасдан туриб компьютер ёки мобил телефондан фойдаланишлари кифоя. Бу эса миждозга банк хизматларидан фойдаланишда максимал қулайлик ва банк билан ишлаш жараёнида вақт ҳамда молиявий харажатларни минималлаштириш имконини беради.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида, 2021 йил охирига қадар электрон давлат хизматларини 60 тага кўпайтириб, уларни 300 тага, масофавий хизматлар улушини эса камида 60 фоизга етказиш белгилаб берилган².

Иқтисодиётга электрон алоқанинг кириб келиши натижасида аҳоли тижорат банкларининг мобил илова дастурлари орқали реал вақт режимида картадан картага пул ўтказиш (P2P) операцияларини бажариш, солиқ, бюджет, коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириш, микроқарз олиш ва кредитларни сўндириш, онлайн омонатларни расмийлаштириш, депозит ҳамда ссуда (кредит) ҳисобварақларини масофадан очиш, халқаро банк карта ҳисобварағидан тўловларни амалга ошириш, онлайн конверсия операцияларини амалга ошириш ва бошқа масофавий банк хизматларидан кенг фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Шунингдек, корхона ва ташкилотлар учун банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари орқали реал вақт режимида банк ҳисобварақларидаги маблағларни тасарруф этиш ва тўловларни амалга ошириш, валюта маблағлари сотиб олиш (конвертация) учун буюртманомани электрон шаклда хизмат кўрсатувчи банкка юбориш, ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўтказиш учун электрон қайдномани банкка узатиш ва бошқа хизматлардан фойдаланиш бўйича имкониятлар яратилди³.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, рақамли технологияларнинг барча соҳа ва одамлар ҳаётига жадал кириб келиши – алоқа хизматлари фаолиятининг социал самарадорлигини оширишда асосий омил бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 30 декабрь 2020 йил
2. Банк карталаридан фойдаланиш бўйича чакана тўлов тизими. www.cbu.uz/uzc/node/45262
3. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти. Дарслик. /И.ф.д., проф. Қ.Х. Абдурахмонов таҳрири остида. – Т.: Иқтисодиёт, 2013. –418 б.
4. Масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари. www.cbu.uz/uzc/node/45262

¹ Банк карталаридан фойдаланиш бўйича чакана тўлов тизими. www.cbu.uz/uzc/node/45262

² Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 30 декабрь 2020 йил

³ Масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари. www.cbu.uz/uzc/node/45262



ЎЗБЕКИСТОНДА АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

А.П.Ҳазратов

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
“Рақамли иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада алоқа хизматларининг ривожланиш босқичлари ёритилган. Унда соҳанинг жадаллик билан ривожланишида инновацион ахборот технологияларининг роли кўрсатилган.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, аҳоли, алоқа, почта, интернет, хизмат, ахборот, технология, иновация, рақамлаштириш.

Аннотация: В статье описаны этапы развития услуг связи. Он подчеркивает роль инновационных информационных технологий в быстром развитии отрасли.

Ключевые слова: экономика, население, связь, почта, Интернет, услуги, информация, технологии, инновации, оцифровка.

Abstract: The article describes the stages of development of communication services. He emphasizes the role of innovative information technology in the rapid development of the industry.

Key words: economy, population, communications, mail, Internet, services, information, technologies, innovations, digitization.

Миллий иқтисодиётнинг асосий секторларидан бўлган алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини инновацион технологиялар асосида ривожлантириш, аҳоли, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ахборотга бўлган талабларини қондириш мақсадида инновацион алоқа хизматларини жорий этиш давр талаби ҳисобланади.

Алоқа – бу турли воситалар ёрдамида ахборотларни узатиш ва қабул қилиш миллий иқтисодиётнинг почта, телефон, телеграф, радио, телевидение ва бошқалар орқали ахборотларни узатиш ва қабул қилишни (почта орқали буюмлар юборишни ҳам) таъминлайдиган тармоғидир.

Алоқа жамиятнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятида давлат, қуролли кучлар ва жами транспорт турларини бошқаришда, шунингдек, аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон иқтисодиёти тараққиётида соҳаларнинг босқичма-босқич самарали ривожланиши таркибида алоқа хизматининг эволюцион тараққиёт даврларини таҳлил этган ҳолда унинг ривожланишини, бизнинг фикримизча, 8 та асосий босқичларга бўлиш мақсадга мувофиқ (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистонда алоқа хизматларининг ривожланиш босқичлари¹

Босқичлар	Алоқа хизматларининг мазмуни
I-босқич	Қадимда хабарлар бир манзилдан иккинчисига чопорлар, кабутарлар ёрдамида етказилган, уларни узатишда шартли сигналлар – гулханлар, чироклар, ҳар хил овоз чиқарувчи асбоблар қўлланилган.
II-босқич	Хабарлар ёзма ҳолда жўнатиладиган бўлди, натижада почта алоқаси пайдо бўлди.
III-босқич	Саноат ва савдо тараққиётининг жадал суръатлари ахборотларни тез етказишга имконият яратадиган янги алоқа усулларига бўлган эҳтиёж, XVIII-аср охирида оптик ахборотнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.
IV-босқич	XIX-асрда ахборотларни сим орқали катта тезликда узатишнинг электр усуллари кашф этилди: 1832 йилда П.Л.Шиллинг электр телеграфни, 1837 йилда С.Морзе электромагнит телеграф аппарати (телеграф алоқаси)ни, 1876 йил эса А.Г.Белл телефон (телефон алоқаси)ни яратишди.

¹ Жадвалда келтирилган I-VII босқичлар Ўзбекистон миллий энциклопедиясида келтирилган маълумотлар асосида ёритилди (Ўзбекистон миллий энциклопедияси 1-жилд. Таҳрир ҳаяти М.Аминов, Б.Аҳмедов, Ҳ.Бобоев ва б. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 200, 236-237 бетлар), VIII босқич хусусидаги фикрлар эса тадқиқотчи А.П.Ҳазратовнинг Ўзбекистонда алоқа хизматларининг ривожланиш тенденцияларини ўрганиши натижаси сифатида ифодаланган.



V-босқич	Алоқа тараққиётида навбатдаги энг муҳим босқич – радиоалоқанинг яратилиши бўлди. Шундан сўнг алоқа воситаларининг техника тараққиёти тез суръатларда борди, ахборотларни ишончли ва тез узатиш қуввати ва линиялари сони жиҳатидан катта устунликка эга бўлган янги тизимлар пайдо бўлди ва кенг қўлланила бошлади.
VI-босқич	XX-асрнинг 60-70йилларида алоқа воситаларининг космик (ернинг сунъий йўлдошлари орқали) тизимлари яратилди (космик алоқа) ва ўтган асрнинг 90-йилларида Ўзбекистонда алоқа мажмуаси – почта, матбуот тарқатиш, уяли (радиотелефон) алоқа, электр алоқа, космик йўлдошлар орқали алоқа турларини қамраб олди.
VII-босқич	1992-2000 йилларда АҚШ, Япония, Германия, Индонезия, Италия, Малазия, Буюк Британия, Жанубий Корея, Туркия, Хитой мамлакатларидаги етакчи фирмалар билан амалга оширилган халқаро ҳамкорлик – Ўзбекистонда электр алоқа тармоқлари ривожини янги босқичга олиб чиқди.
VIII-босқич	XXI асрнинг 2002-2020 йилларида давлат бошқарувида ва иқтисодиёт соҳаларида электрон хизматлар кенг жорий этилди. Жумладан, республикада “Электрон ҳукумат” тизими шаклланди, банк тизимини трансформациялаш жараёнида тижорат банклари томонидан мижозларга масофадан туриб банк хизматларини кўрсатиш учун фойдаланиладиган автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва мобиль иловаларининг ўрни сезиларли даражада бўлмоқда, таълим муассасаларида дарсларнинг масофавий тарзда олиб борилиши йўлга қўйилди.

Рақамли иқтисодиёт шароитида алоқа хизматлари бозори жаҳон иқтисодиётининг шиддат билан ривожланиб бораётган тармоқларидан бирига айланди.

Алоқа хизматлари иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бирига айланиши, унга боғлиқ бошқа соҳаларнинг ривожланиши учун замин яратмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, ахборотлар айланмасида иштирок этувчилар сони кўп ва IT хизматлари кенг тарқалган бозорларда рақамли иқтисодиёт жадал суръатларда ривожланади.

Айниқса, бу – транспорт, савдо, логистика ва шу сингари интернет билан фаол ишловчи соҳаларга чексиз қулайликлар яратади. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, уларда электрон сегментнинг улуши ЯИМнинг 10 фоизига яқинлашиб, 4 фоиз аҳоли бандлигини таъминлайди. Энг аҳамиятлиси, бу кўрсаткичлар барқарор тарзда ўсиб боради¹.

2-жадвал

Ўзбекистонда ахборот ва алоқа корхоналарининг асосий кўрсаткичлари²

Кўрсаткичлар	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2019 йил-нинг 2016 йилга нисбати, %
Ахборот ва алоқа иқтисодий фаолият тури бўйича корхона-лар сони, бирлик	6427	6403	6975	7901	122,9
Алоқа фаолият тури бўйича асосий капи-талга киритилган инвестициялар, млрд. сўм	1016,6	1841,9	1344,5	2286,3	224,9
Мобиль ва радио телефон станциялари-нинг мавжудлиги – жами, минг дона	21265,4	22504,5	21954,5	23846,7	112,1
Интернет тармоғига уланган абонентлар сони, минг бирлик	9626,8	11168,0	13321,7	16386,2	170,2
Корхона ва ташкилот-лардаги персонал ком-пютерлар сони	800,8	853,8	929,9	1012,7	126,5

2-жадвал мълумотлари далолат берадики, Ўзбекистонда ахборот ва алоқа иқтисодий фаолият тури бўйича корхоналар сони 2019 йили 2016 йилга нисбатан 22,9 фоизга кўпайган. Булар асосан электр алоқага тегишли корхоналардир. Уларни ташкил этиш учун ўрганилаётган даврда йирик капитал жалб қилинаётган: фаолият тури бўйича асосий

¹ Илҳом Собиров. Рақамли иқтисодиёт – ривожланиш трендлари ва хусусиятлари. Kun.uz 17:17 / 06.07.2020 1283

² O‘zbekistonda transport va aloqa. –T.: O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi, 2020, 84 bet



капиталга киритилган инвестициялар миқдори 2,5 баробардан кўпроқ бўлган. Интернет тармоғига уланган абонентлар (жисмоний ва юридик шахс)лар сони 1,7 баробарга ўсган.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда алоқа хизматларининг “электр алоқа” тури жадал ривожланиб бораётган бир шароитда, “почта алоқаси” хизматларининг фаолият доираси торайиб бормоқда. Ҳатто, соҳанинг айрим хизмат турлари тугаб бормоқда. Айрим ҳудудларда почта бўлимлари ёпилиб кетди.

Почта алоқасига тегишли бундай ҳолат, бир томондан, табиий ҳолдек кўринсада, иккинчи томондан соҳага сўнгги 20 йил давомида эътиборнинг сусайгани билан боғлиқ.

3-жадвал

**Ўзбекистонда алоқа фаолиятининг асосий курсаткичлари¹
(йил охирига)**

Кўрсаткичлар	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2019 йилнинг 2016 йилга нисбати,%
Жўнатилган:					
хатлар, бандерол-лар, млн. дона	15,9	16,6	14,7	15,2	95,6
газета ва журнал-лар, млн. нусха	27,0	23,1	20,0	12,3	45,6
посилкалар, минг дона	102,6	102,5	72,8	70,9	69,1
пул ўтказиш ва на-фақа тўловлари, млн. бирлик	19,3	15,0	1,1	1,2	6,2
шу жумладан:					
пул ўтказмалари	1,1	1,2	1,1	1,2	109,1
нафақа тўловлари	18,2	13,8	-	-	-
телеграммалар, млн. дона	0,1	0,2	-	-	-
Ҳаво транспортида жўнатилган почта, минг т	1,0	1,3	0,8	0,4	40,0
Халқаро ва шаҳар-лараро телефон сўзлашувлар сони, млн.бирлик	5156,0	6100,0	7166,5	10601,3	205,6
шу жумладан мобиль алоқа	4864,9	5814,5	6787,9	10551,0	216,9

3-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Ўзбекистонда барча турдаги почта хизматлари миқдорлари йилдан-йилга пасаймоқда: хатлар ва бандеролларни жўнатиш 2019 йили 2016 йилга нисбатан – 4,4 фоизга, абуночиларга газета ва журналлар етказиб бериш – 54,4 фоизга, посилкаларни етказиб бериш – 30,9 фоизга ва ҳаво транспортида жўнатилган почталар сони – 60,0 фоизга қисқарган. Шунингдек, пул ўтказиш ва нафақа тўловлари сони 18,1 млн.бирликга ёки 93,8 фоизга камайган. Айни пайтда, мобиль алоқа хизматлари 2,2 баробарга ўсган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 14 декабрдаги ПҚ-4921-сон Қарорига мувофиқ бугунги кунда почта тизимини хат, жўнатма ва товарлар етказиб бериш, банк, молия ва давлат хизматлари кўрсатишга ихтисослаштириш орқали унинг барқарорлигини таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан:

электрон савдо ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда интернет орқали сотиб олинган товарларни эгаларига етказиб бериш хизматини ташкил этиш;

унча мураккаб бўлмаган давлат хизматларини почта бўлимларида ҳам йўлга қўйиш;

почта бўлинмаларида нақд пул инкассацияси, пластик карта амалиёти каби банк

¹ O‘zbekistonda transport va aloqa. –Т.: O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi, 2020, 85 bet



хизматларини жорий этиш ва бошқалар.

Хулоса шуки, алоқа хизматлари инсонларнинг кўплаб кундалик вазифаларни ҳал қилади, бунинг натижасида эса кенг кўламдаги амаллар тезроқ, арзонроқ, қулайроқ ва ўртадаги воситачиларсиз бажарилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, ПФ-6079-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сон Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 14 декабрдаги “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4921-сон Қарори.

3. Илҳом Собиров. Рақамли иқтисодиёт – ривожланиш трендлари ва хусусиятлари. Kun.uz 17:17 / 06.07.2020 1283

4. O‘zbekistonda transport va aloqa. –T.: O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi, 2020,



ПРОБЛЕМЫ ВНЕДРЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В УЧЕБНЫЙ ПРОЦЕСС ПО ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ ДЛЯ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ СФЕРЫ ТУРИЗМА

Хусаинова Лейла Юнусовна

к.ф.н.доцент «Обучение иностранных языков»
Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация: Статья раскрывает принцип внедрения инновационных технологий в учебный процесс по иностранному языку для подготовки кадров в сфере туризма и сервиса. Рассматриваются различные методы беседы.

Annotation: This article deals with the principles of introduction of innovational technologies into the educational process in foreign languages for training specialists in the sphere of tourism and service, as well as different methods of conversation are discussed here.

Қисқача шарҳ: Мақола туризм ва сервис соҳасида кадрларни тайёрлашда ходимлари учун чет тилини ўқитиш таълим жараёнида инновацион технологияларни жорий этиш тамойилларини очиқ беради. Мақолада турли суҳбат усуллар кўриб чиқилади.

Ключевые слова: Речь, общение, предложение, цель, безграничный, художественная литература, ознакомление, умение, независимый.

Keywords: speaking, communication, sentence, aim, unlimited, fiction, introduction, skills, independent.

Калит сўзлар: Нутқ, мулоқат, таклиф, мақсад, чексиз, бадий адабиёт, танишув, санъат, мустақил.

Глобальной целью образование является предоставление равных возможностей получения образования высокого уровня всем желающим, независимо от места их проживания и времени, дня полноценного и эффективного участия в общественной и профессиональной областях в условиях информационного общества.

Благодаря высокому интеллектуальному потенциалу и творческим подходам к управлению кадрами созрели все условия для освоения инновационных, образовательных технологий и создание коммерческих учебных заведений, ориентированных на потребности рынка, участие молодежи в развитии сферы услуг, сервиса и туризма.

Решается и проблема занятости молодежи, их участие в сфере услуг, сервиса и туризма. Молодые специалисты могут с помощью Интернета находить работу на мировом рынке и плодотворно трудиться, не меняя места жительства.

Главным способом комплексного решения этой проблемы может стать повсеместное внедрение обучения проблем разработки терминов сферы услуг, сервиса и туризма. Это позволит восполнить отсутствие достаточного количества высококвалифицированных кадров в регионах. Уровень знаний студента мало будет зависеть от неспособных, не творчески относящихся к своему делу педагогов, которые, к сожалению, встречаются еще в наших учебных заведениях. Кроме того, они сами, в ходе учебного процесса, станут повышать свою квалификацию ориентируясь на виртуальные лекции лучших профессоров. То есть 2-3 высококвалифицированных педагога по каждому предмету займутся разработкой образцовых лекций с учетом международных стандартов, затем их будут распространять повсеместно и транслировать, но время занятий в аудитории или самостоятельной работы. По этой же схеме и для преподавателей будут организованы занятия по основам развития инфраструктуры туризма. Таким образом, соблюдаются два важнейших условия: значительно сокращают сроки подачи учащимся новой и качественной учебной информации и, одновременно, налаживается процесс массового непрерывного повышения квалификации кадров без отрыва от обучения учащихся. К тому же, со временем отпадет необходимость в огромном количестве преподавателей, а значит, больше внимания и средств можно будет уделять повышению качества их профессиональной подготовке.

Конец XX века и начало нынешнего столетия ознаменовались бурным развитием туристического бизнеса. Столь значительный рост этого бизнеса об условен не высоким уровнем первоначальных капиталовложений, особенно в сферах связанных с оказанием услуг и производство потребительских товаров.



Как правило туристический бизнес представлен небольшими предприятиями, где работают не более 15-20 человек, однако именно они обеспечивают около 60% прироста новых рабочих мест.

Одной из первоочередных проблем при создании туристического бизнеса становится кадровая политика. В связи с тем, что на протяжении многих лет подавляющее большинство предприятий были государственными, отсутствовала четко выработанная система использования и развития человеческих ресурсов.

В настоящее время при многообразии форм собственности и строящихся рыночных отношениях, возникает конкуренция при которой не обойтись без продуманной системы стратегии управления человеческими ресурсами.

Любое предприятие независимо от его размеров требует правильного управления предприятием подразумевает действия его руководителей направленные на достижение той или иной поставленной цели.

Туристический менеджмент как система управления предприятием действующим в условиях рыночной экономики предполагает создание условий, необходимых для их эффективного функционирования, развития производственно- хозяйственной деятельности.

Речь идет о такой системе управления, которая порождена объективной необходимостью и закономерностями рыночных отношений хозяйствования, связанными с ориентацией фирмы на спрос и потребности рынка, на запрос индивидуальный потребителей; обеспечением заинтересованности работников наивысших конечных результатах; широким использованием научно-технических достижений; регулированием межфирменных отношений.

Однако многие предприниматели недооценивают или вообще игнорируют человеческий фактор, и как следствие испытывают трудности в развитии бизнеса, сами того не понимая, от чего это происходит. Опыт зарубежных фирм показывает, что успех сопутствует тем компаниям, которые ориентируются на перспективу инновационного управления трудом, что означает поворот туризма к формированию новых моральных ценностей, разделяемых всем персоналом фирмы. «Туристический менеджмент» прежде всего означает сферу деятельности, связанную с организацией работы людей в организациях различного рода. Следовательно, особое место в работе туристических компаний занимает управление персоналом.

Управление персоналом является одним из трех блоков составляющих экономический механизм. Он направлен на решение конкретных проблем взаимодействия в реализации социально-экономических задач, возникающих в процессе хозяйственной деятельности. Экономический механизм туристической компании объективно обусловлен осуществлением хозяйственной деятельности фирмы в рыночных условиях, когда результаты управленческой и хозяйственной деятельности получают оценку на рынке в процессе обмена.

Вот тут и начинается проявляться необходимость слаженной структуры управления человеческими ресурсами.

Чтобы нанять соответствующих работников руководство обязано знать какие задачи им предстоит решать в процессе трудовой деятельности. Эти сведения обеспечивают анализ содержания работы, служащий надежным основанием для принятия необходимых решений.

Исходя из вышеизложенного задачами управления персоналом является:

Политики и стратегия развития управления персоналом

Организация системы селекции, продвижения кадров, обучение персонала.

Оценка мотивации труда

Управление конфликтами

Делегирование полномочий

Выработка политики и стратегии управления персоналом является важным моментом успешного туристического менеджмента. Здесь важно знать вопрос планирования трудовых ресурсов. Планирование трудовых ресурсов по существу представляет собой применение процедур планирования для комплектации штатов и персонала. Этот процесс включает в себя: оценку наличных ресурсов, оценку будущих потребностей, разработку программ удовлетворения будущих потребностей. Очень часто в сфере туристического бизнеса практически не решается в системе управления. У руководителей фирм нет четкой картины по стратегии развития кадрового потенциала, планирования штатов. Набор имеет целью



создания резервов кандидатов на все должности, из которого менеджер отбирает наиболее подходящих для неё работников, причём используются как внешние так внутренние источники.

На этапе отбора кадров руководство выбирает наиболее подходящих кандидатов из созданного резерва. Учитывается образование кандидата, уровень его профессиональных навыков, опыт предшествующей работы, личные качества. Используются испытания, тесты, собеседования.

Литература:

1. Национальная программа по подготовке кадров. В кн.: Гармонично развитое поколение – основа прогресса Узбекистана. –Т.: 1998. –С. 18.
2. Ш.М.Мирзиёев. “Постановление Президента Республики Узбекистан о дополнительных мерах по развитию системы образования Республики Узбекистан” Народное слово. № 13. 21 апреля 2017
3. Д.Г.Сафаралиева, Э.А. Андреева. Роль образования в развитии национальной инновационной системы. Экономика и управление. №6. 2008. С.79.
4. Ш.Ш.Шодмонов, Г.Д. Баубекова Педагогическое мастерство и инновации в преподавании экономической теории. - Т.: Янги аср авлоди. 2004.
5. Б.Ю.Ходиев, Л.В. Голиш Способы и средства организации самостоятельной учебной деятельности: Учебно-методическое пособие в помощь первокурснику. -Т.: ТГЭУ, 2006. С.48
6. У.В. Гафуров Экономическая теория: Учебное пособие для вузов. 2-е изд. Кн.1. –Т.: Фан, 2013, С.597.



ПРОБЛЕМЫ ПЕРЕХОДА НА ИННОВАЦИОННЫЙ ПУТЬ РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА

Хамракулова О.Д.

к.э.н., доц. кафедры «Банковское дело»
Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация: в работе подняты проблемы перехода экономики Узбекистана на инновационный путь развития, предложены рекомендации.

Ключевые слова: рыночная экономика, инновации, инновационный путь, человеческие капитал, модернизация экономики.

Мировой опыт убедительно доказывает, что инновационные технологии стали важнейшим эффективным средством и условием развития современного производства и экономического потенциала государства. Они сочетают в себе передовые достижения науки, возможности проведения в жизнь новейших инженерно-технических решений и модернизации производства, освоение выпуска новых видов продукции, массового ее распространения и рыночного сбыта.

На сегодняшний день большинство стран мира ставит перед собой задачу перехода на инновационную экономику, основанную на знаниях, и в которой создание, трансфер и использование результатов научно-технической деятельности являются главными условиями устойчивого экономического роста. Поэтому в суверенном Узбекистане уже с первых дней независимости большое внимание уделяется развитию отечественной науки, ведущих научных школ и инновационных исследований.

В современном мире наблюдается смена технологического уклада, сопровождаемого переходом на новую стадию развития – построения постиндустриального общества. Ведущую роль играют информационные сети, высокие технологии, интеллектуальные ресурсы, инновационная организация различных сфер деятельности, новый уровень отношения к трансферту и диффузии знаний. Экономика знаний превращается в мощный импульс социально-экономического развития, повышения конкурентоспособности продукции (услуг), способствует диверсификации деятельности, помогает подъему производства в регионах и стране в целом.

Становление рыночной экономики в Узбекистане тесно связано с решением ряда проблем, возникающих на каждом этапе его развития. В этой связи, важное место занимает вопрос инновационного развития социально- ориентированной рыночной экономики. В последнее время приняты ряд документов, таких как Стратегия действий развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, а также Стратегия инновационного развития Республики Узбекистан на 2019-2021 годы, в которых определены необходимость, условия и перспективы развития нашей страны.[1]

Главной целью Стратегии является развитие человеческого капитала как основного фактора, определяющего уровень конкурентоспособности страны на мировой арене и ее инновационного прогресса; а также вхождение Республики Узбекистан к 2030 году в состав 50 передовых стран мира по рейтингу Глобального инновационного индекса

Данная постановка вопроса вызвана тем, что в целях обеспечения конкурентоспособности продукции современные экономики мира делают решающую ставку на превращение научных знаний в новую потребительскую ценность, обладающую качественно более высокими свойствами по сравнению с представленными на мировом рынке аналогами. Вот почему инновационная деятельность является важным фактором развития национальной экономики.

В настоящее время инновационное развитие становится наиболее важным элементом социально-экономического развития странам и регионов мирового хозяйства. Рост экономик США, ЕС, Японии, Южной Кореи, Китая, Индии во многом обусловлен развитием наукоемких отраслей, разработкой и внедрением инноваций. Без инноваций экономическая система не достигла бы устойчивого равновесия, которое будет препятствовать дальнейшему развитию национальной экономики. В Узбекистане, как и в других государствах мирового сообщества, проводится работа по модернизации, техническому и технологическому



переворужению промышленного производства, вовлечению в этот процесс академической и отраслевой науки.

Мировой опыт свидетельствует, что альтернативы инновационному пути развития нет. Создание, внедрение и широкое распространение новых продуктов, услуг технологических процессов становятся ключевыми факторами экономического роста, повышения эффективности хозяйственной деятельности и конкурентоспособности предприятий.

Многообразность теоретико-методологических проблем исследования инновационного развития экономики обусловила существование в настоящее время различных точек зрения на данный процесс и неоднозначных подходов к анализу его особенностей.

Страны вступают на инновационный путь развития, а процессы глобализации мировой экономики определили условия данного перехода: инновационный путь развития доступен для стран с макроэкономической и политической стабильностью и развитой конкурентной средой, с высоким научно-техническим потенциалом и эффективной национальной инновационной системой; для экономик, имеющих высокую степень индустриализации и развитые экспортно-импортные отношения.

Модернизация экономики, заявленная одной из основных целей макроэкономической политики нашего государства, предполагает преодоление ускоряющегося технологического отставания страны от мировых инновационных лидеров. Инновационный путь становится неотъемлемой характеристикой современной экономики, это в равной мере относится к государствам и их сообществам, так и к отдельным компаниям. Для нашей страны сегодня особенно актуален переход к инновационному типу развития экономики, требующему полноценного раскрытия национального научно-технического потенциала.

Цель, задачи государственной политики в области развития инновационной системы страны, механизмы и основные меры по ее реализации в настоящее время определены в основных направлениях инновационной политики в области развития инновационной системы, рассматриваемой как совокупность субъектов и объектов инновационной деятельности, взаимодействующих в процессе создания и реализации инновационной продукции и осуществляющих свою деятельность в рамках проводимой государством политики в области развития инновационной системы, — это составная часть государственной научно-технической и промышленной политики.

Она представляет собой комплекс осуществляемых государством социально-экономических мер, направленных на формирование условий для развития производства конкурентоспособной инновационной продукции на базе передовых достижений науки, технологий, техники и повышение доли такой продукции в структуре производства, а также системы продвижения и реализации продукции и услуг на отечественном и мировом рынках.

Выводы и предложения.

Политика Республики Узбекистан в области развития инновационной системы базируется на равноправном государственно-частном партнерстве и направлена на объединение усилий и ресурсов государства и предпринимателей страны для активизации инновационной деятельности.

Главным ориентиром для нас должно быть непрерывное технологическое и техническое обновление производства, а также постоянный поиск внешних и внутренних резервов, осуществление глубоких структурных преобразований в экономике, модернизации и диверсификации промышленности. В Республике Узбекистан проходит активная политика, направленная на улучшение технологической базы предприятий реального сектора экономики за счет проведения повсеместной модернизации, технического и технологического переоснащения производств.

Исходя из стратегических направлений перехода на инновационный путь развития, мы считаем необходимым:

- создание целостной концепции инновационного развития на долгосрочную и среднесрочную перспективу, причем использовать систему стратегического планирования, позволяющей формировать будущие модели инновационного развития приоритетных сфер и отраслей на основе долгосрочных сценариев повышения интеллектуального и технологического потенциала страны;

- использовать экономический механизм внедрения инновационных форм государственного управления, обеспечивающих оптимизацию и упрощение процедур



оказания государственных услуг, повышение эффективности деятельности органов государственного управления;

- формировать современную рыночную инфраструктуру развития науки и инновационной деятельности, способной обеспечить необходимые условия для устойчивого роста социально-экономического потенциала территорий, а также повышения уровня жизни и благосостояния населения;

- расширить условия для привлечения инвестиций в сферу разработки и внедрения инновационных идей и технологий, совершенствование нормативно-правовой базы, обеспечивающей их дальнейшее развитие;

- поддерживать и стимулировать научно-исследовательскую и инновационную деятельность, прежде всего творческих идей и разработок молодого поколения, а также создание благоприятных условий для активного участия талантливой молодежи в данной деятельности;

- создать эффективные механизмы продвижения и внедрения перспективных отечественных достижений научно-исследовательской и инновационной деятельности, включая организацию и укрепление материально-технической базы научно-экспериментальных специализированных лабораторий, центров высоких технологий, технопарков и других инновационно - ориентированных структур, в том числе с участием иностранных инвесторов.

Литература

1. Послание Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева Олий Мажлису.29.12.20.- [www :uza uz](http://www.uza.uz)
2. Стратегия инвестиционной политики Узбекистана до 2025 года.- [www:-Lex uz](http://www-Lex uz)
3. Зойиров Л., Асамходжаева Ш., Юнусова С. Инвестиция. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2019. – 652 б.
4. Зайиров Л., Насиров Э., Ханова Н., Асамходжаева Ш. Инвестиции. Учебное пособие. – Т.: Иқтисод-молия, 2019. – 448 с.
5. Зайиров Л., Ханова Н. Инвестиции. Учебник. – Т.: Иқтисод-молия, 2019.
6. Сабирова Л.Ш., Хужамкулов Д.Ю. Инвестиция. Учебное пособие. - Т.: Иқтисод-молия, 2019.- 254 с.



ПРОБЛЕМЫ УЛУЧШЕНИЯ ИНВЕСТИЦИОННОЙ АКТИВНОСТИ И ФАКТОРЫ НА ЕГО ВЛИЯЮЩИЕ В ЭКОНОМИКЕ УЗБЕКИСТАНА

Хамракулова О.Д.

к.э.н., доц. кафедры «Банковское дело»
Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация: в работе подняты проблемы улучшения инвестиционной активности и факторы на его влияющие в экономике Узбекистана предложены рекомендации.

Ключевые слова: рыночная экономика, инвестиционная активность, инвестиционная привлекательность, инвестиции, экономические факторы

В общей теории и практике инвестирования важное место занимают вопросы инвестиционной активности (привлекательности), что может способствовать активизации инвестиционной и инновационной деятельности в стране.

Инвестиционная активность (интенсивность инвестирования) определяется инвестиционной привлекательностью, которую часто отождествляют с инвестиционным климатом. Однако предусматриваются различные показатели для оценки инвестиционного климата и инвестиционной привлекательности. При этом понятие «инвестиционный климат» - более широкое. Инвестиционная привлекательность является его составной частью, результатом.

Инвестиционная привлекательность выступает предметом оценки на различных иерархических уровнях.

Инвестиционная привлекательность на макроуровне - это условия (экономические, правовые, политические, социальные), созданные государством всем субъектам хозяйствования, а также иностранным инвесторам для выгодного вложения инвестиций с целью развития национальной экономики.

Инвестиционная привлекательность на макроуровне зависит от следующих факторов: политической стабильности на текущий момент и на перспективу; социальной и криминогенной ситуации в стране; макроэкономических показателей, характеризующих состояние национальной экономики на текущий момент и на перспективу (темпы инфляции, уровень ВВП, ставка рефинансирования, состояние государственного долга, дефицит или профицит бюджета); наличия и совершенства нормативных актов по инвестиционной деятельности; степени совершенства налоговой системы в стране.

Инвестиционная привлекательность региона - это интегральная характеристика отдельных регионов страны с позиций инвестиционного климата, уровня развития инвестиционных инфраструктур, возможности привлечения инвестиционных ресурсов и других факторов, влияющих на формирование доходности инвестиций и на инвестиционные риски.

Инвестиционная привлекательность в регионах зависит от следующих факторов: географического расположения региона; природно-климатических условий региона; степени индустриального развития региона; наличия природных богатств в регионе; уровня развития инвестиционной инфраструктуры системы льгот для инвестора.

Инвестиционная привлекательность предприятия - это обобщённая характеристика его привлекательности с точки зрения перспективности, выгоды, эффективности и минимизации риска инвестиций в развитие этого предприятия как за счёт собственных средств, так и средств других инвесторов.

Инвестиционная привлекательность предприятия зависит от следующих факторов: показателей деятельности предприятия (ликвидности, платежеспособности, финансовой устойчивости); перспективы развития; рыночного курса акций предприятия; репутации, имиджа предприятия.

Для оценки инвестиционного климата и инвестиционной привлекательности стран за рубежом используются: методики Тей- на-Уотерса, Котлера-Хейзлера, рейтинги журналов «Fortune», «Euromoney» (США), «The Economist» (Англия), методика цифровой шкалы Гарвардской школы бизнеса США и т.д. Инвестиционную привлекательность регионов Узбекистана определяют с использованием показателей указанных методик и специально



адаптированных к узбекским реалиям зарубежных методик..

На практике для оценки инвестиционного климата региона используется методика агентства «Эксперт-РА». Она объединяет оценку инвестиционного потенциала и оценку инвестиционного риска. Совокупный инвестиционный риск региона, который представляет собой качественную характеристику региона, показывает вероятность потери инвестиций и дохода от них.

Имеется прямая и обратная связь между инвестиционным климатом и инвестиционной политикой. Инвестиционный климат определяет стартовые позиции для разработки инвестиционной политики. С другой стороны, инвестиционный климат является результатом проводимой инвестиционной политики. Инвестиционная сфера требует создания определенных условий для успешного осуществления инвестиционного процесса.

Совокупность политических и экономических условий, которые формируются в стране для вложений инвестиций в целях получения дохода в будущем, называется *инвестиционным климатом*. На инвестиционную привлекательность могут влиять факторы:

а) **макроэкономические** (динамика ВВП, уровень инфляции и процентных ставок, для сбережений в ВВП).

б) **нормативно-правовые** (качество и стабильность законодательной базы, соответствие регионального и республиканского законодательства, политика центральных и местных властей, защита прав собственности, защита интересов инвесторов, уровень монополизации в экономике, открытость экономики, уровень соблюдения законности и правопорядка, административные барьеры входа на инвестиционный рынок, уровень корпоративного управления).

в) **налогообложение** (качество налоговой системы и уровень налогового бремени).

г) **информационное обеспечение** (формирование системы информационного обеспечения, полнота и доступность информации об информационных возможностях в стране в целом, о компаниях в целом, о компаниях в частности, актуальность сведений, доверие к источнику информации, проведение рекламно-информационных компаний в СМИ, организация инвестиционных выставок, презентаций, семинаров, инвестиционных миссий).

д) **непредсказуемость, непрозрачность страны** для инвесторов (непрозрачность страны для инвесторов понимается как отсутствие четких, облеченных в формальные процедуры общепринятых правил ведения деятельности на мировых и национальных рынках капитала). Количественная оценка непрозрачности разработана известной аудиторской компанией Price Waterhouse Coopers. По каждому критерию стране присваивается определенное количество баллов (от 0 до 150) и выводится среднеарифметическая величина, называемая индексом непрозрачности (opacity index).

е) **задолженность по внешним обязательствам международным экономическим и финансовым организациям**. Данный фактор играет важную роль в характеристике инвестиционного климата в стране. Наиболее полно отражается в так называемом «показателе платежеспособности», определяемом известным деловым журналом Euromoney. Интегральный показатель платежеспособности страны включает девять составляющих: политический риск, экономические перспективы, показатель внешней задолженности, долг в связи с дефолтом или реструктуризацией долга, кредитный рейтинг, доступ к банковским ресурсам, доступ к краткосрочным финансовым ресурсам, доступ на рынки капиталов, доступ к форфейтинговым услугам. Максимальная итоговая оценка для страны 100 баллов.

Иностранные инвестиции позволят привлечь новые технологии, ускорить разработку запасов и в конечном итоге стимулировать региональную экономическую активность, повысить занятость и уровень налоговых поступлений. Экономика Узбекистана достаточно диверсифицирована: на долю отдельных секторов экономики приходится не более 20% ВВП.

В последние годы в нашей стране наметились тенденции к улучшению инвестиционного климата. В Индексе экономической свободы (ИЭС) 2019 года Узбекистан поднялся за год со 152-го на 140-е место с оценкой 53,3, которая улучшилась на 1,8 балла, благодаря получению более высоких баллов по показателям свободы инвестиций, свободы труда и свободы бизнеса. Начиная с 1998 года, Узбекистану удалось улучшить свою позицию в ИЭС на 21,8 балла. Всемирный банк в своем докладе «Doing Business» публикует рейтинги по



индикатору легкости ведения бизнеса по 190 странам мира. Узбекистан последние 5 лет входил в десятку лучших стран-реформаторов (поднялся со 166 (2012 г.) до 76 места (2019 г.), создавших более благоприятную предпринимательскую среду для бизнеса. Большинство из реформ реализованы в сферах регистрации бизнеса (область, где Узбекистан демонстрирует наилучшие результаты, занимая 12 место в мировом рейтинге), налогообложения, получения кредитов и регистрации собственности.

По прогнозам ЕБРР в 2021 году экономика Узбекистана вырастет на 5,6%, в 2022 году — на 6%, следует из доклада «Региональные экономические перспективы» (РЭП). Как отмечает Всемирный банк в последние годы достаточно высокие результаты демонстрирует Узбекистан. Так, в «докоронакризисном» 2019 году Узбекистан стал лидером по росту притока притока иностранных инвестиций. За год сумма внешних инвестиций увеличилась сразу в 2,3 раза и составила \$4,2 млрд. Привлекают инвесторов в Узбекистане нефтепереработка, нефтедобыча и химическая промышленность. Наибольшую заинтересованность показали Китай, Германия, США, Россия. В этой связи, мы считаем необходимым дальнейшее улучшение условий по инвестиционной привлекательности: дальнейшее совершенствование законодательной базы по значительному расширению полномочий иностранных инвесторов; использовать действенный экономический механизм, эластично реагирующий на появление локальных проблем в экономике Узбекистана; снижение административных барьеров, повышение качества государственного управления и защиту прав собственности; найти такие формы и методы в организации тесного сотрудничества между экспертами рейтинговых агентств и специалистами министерств, ведомств, что могло бы способствовать повышению информированности зарубежных инвесторов в проводимых в стране реформ.

Литература

1. Послание Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева Олий Мажлису.29.12.20.- [www :uza uz](http://www.uza.uz)
2. Стратегия инвестиционной политики Узбекистана до 2025 года.- [www:-Lex uz](http://www:Lex uz)
3. Зойиров Л., Асамходжаева Ш., Юнусова С. Инвестиция. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2019. – 652 б.
4. Зайиров Л., Насиров Э., Ханова Н., Асамходжаева Ш. Инвестиции. Учебное пособие. – Т.: Иқтисод-молия, 2019. – 448 с.
5. Зайиров Л., Ханова Н. Инвестиции. Учебник. – Т.: Иқтисод-молия, 2019.
6. Сабирова Л.Ш., Хужамкулов Д.Ю. Инвестиция. Учебное пособие. - Т.: Иқтисод-молия, 2019.- 254 с.
7. Sputnik.uz



РАҚАМЛИ ТАЪЛИМНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ТАЛАБА-ЎҚУВЧИЛАР ИҚТИДОРИГА ҚАРАБ ЎҚИТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

С.А. Бабаназарова
Самарқанд иқтисодиёт
ва сервис институти ўқитувчиси

Аннотация: ушбу мақолада, рақамли иқтисодиётни шакллантириш учун, унга мос кадрларни тайёрлаш масалалари илгари сурилган. Таълим тизимида барча ўқувчилар ҳозиргидек, умумтаълим фанларни ўрганиш билан бирга, уларни кизиқишига қараб, алоҳида фанлар бўйича блокларга ажратиш масалалари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, таълим ислоҳоти, инновацион дарслик, саводхонлик, таълим

Мамлакатимиз Президенти давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сон қарори, 2018 йил 21 ноябрда “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4022-сонли қарори, 2018 йил 13 декабрда “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувида рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Ушбу меъёрий ҳужжатларда рақамли иқтисодиётни турли йўналишларда шакллантириш масаласи кўйилган.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни шакллантириш учун, унга мос кадрларни тайёрлашни тақозо қилади. Бунинг учун рақамли таълимни жорий этиш керак бўлади. Мазкур жараёнини ўқув дастурларини компьютерлаштиришдан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Бу борада мамлакатимизда анча ишлар амалга оширилган. Бошланғич синфлар учун ўқитиладиган фанлардан электрон дарсликлар мавжуд. Бу ҳолат таълимнинг бошқа босқичларида ҳам амалга оширилмоқда. Эндиги вазифа буларни тизимлаштириш лозим бўлмоқда.

Агар ушбу масаланинг хориждаги ҳолатини инобатга оладиган бўлсак, жумладан, 1945 йилда Жанубий Корея аҳолисининг 78%и саводсиз бўлган. Аста-секинлик билан уларнинг саводхонлиги ошиб бориб, дунёда илғор технологиялар асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйган етакчи давлатлар қаторидан жой олди. 2015 йилдан бошлаб рақамли таълимга босқичма-босқич ўтиши режалаштирилган эди. Натижада ҳозирги вақтда бу мамлакат саводхонлик даражаси ва илғор ихтиролар бўйича Европа давлатлари ҳамда АҚШни ортда қолдирди. Таълим соҳасида орқада қолган АҚШ эса хавотирга тушиб, рақамли таълим учун катта маблағ ажрата бошлайди. АҚШнинг “рақамли таълим”и дастлаб ҳарбий дастурларда қўлланилади ва натижа мутахассисларнинг етишиб чиқиши бир неча йилдан бир неча ойга қисқаришига эришилади. Бугунги кунда мамлакатимизда саводхонлик даражаси жуда юқори. Аммо меҳнатга қобилиятли аҳоли ўртасида олий маълумотли ходимларнинг ҳиссаси анча кам. Бугунги кунда унинг ҳиссаси бор йўғи – 32,7 %ни ташкил қилади. Ушбу рақамни анча кўтариш керак. Чунки ривожланган мамлакатларда ушбу кўрсаткич 80-90 %ни ташкил қилади.

Мамлакатимизда таълим ислоҳотлари узлуксиз давом этмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ҳам рақамли таълимнинг элементлари, дастурлар, ўқув адабиётлари яратилмоқда. Бу ҳақда таълим тизими учун инновацион дарсликлар яратиш гуруҳи раҳбари Комил Алламжонов¹ яқин келажакда таълим тизимидла қандай ўзгаришлар бўлиши

¹ “Келажак – рақамли таълим ортида». Таълим тизими учун инновацион дарсликлар яратиш гуруҳи раҳбари Комил Алламжонов билан 2016 йил 19 декабрда эълон қилинган суҳбат. https://www.norma.uz/uz/nhh_loyihalari/raqamli_iqtisodietni_rivojlantirish_jadallastiriladi.



мумкинлиги ва бошқалар ҳақида маълумот берди. Ушбу гуруҳ томонидан яратилаётган ўқув дарсликлари “билим олиш жараёнини қизиқарли, енгил, эсда қоларли ва зарарсиз қилишга йўналтирилди. Бунинг учун деярли барча сезги органлари ҳамда ахборотни қабул қилишнинг барча усуллари ҳаракатга келтирилади. Биргина саҳифада бир вақтнинг ўзида ҳам матн, ҳам аудиотушунтириш, ҳам видеоролик, ҳам 3D-анимация бўлиши мумкин. Зарур ҳолларда мусика ёки товушлар, масалан, юрак уриши ва ҳақозолар ҳам бўлади. Яъни дарсликни қисмларга ажратиш, йиғиш, эшитиш ва ҳис қилиш имконияти бор”¹. Ушбу дарсликларнинг яратилганига мана уч йилга яқин вақт ўтди. Аммо уни оммавий тарзда қўллаш имкони бўлган эмас.

Бунга бир қанча сабаблар мавжуд. Бошланғич таълимдаги бор имкониятлар юқори синф ўқувчиларида етарли эмас. Улар олдин электрон дарсликларда таълим олиб юқори синфларда бундай ҳолат бўлмаса, табиийки, юқори синф ўқувчиларини ўқитишда анчагина муаммоларга дуч келинади. Бундан ташқари мазкур соҳада ҳали фан ўқитувчилари етишмаслиги ҳам ўқувчиларнинг фанга ва таълим олишга бўлган қизиқишларини сўндиради. Шу туфайли рақамли таълимни таълимнинг ҳамма босқичлари учун бирданига тайёрлаш ва жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун бир қанча ташкилий тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади. Булар:

Биринчидан, таълим тизимининг барча босқичлари учун рақамли таълимга ўтиш учун тегишли моддий-техника таъминотини яратиш лозим бўлади. Таълимнинг бир босқичига жорий қилиб, иккинчи босқичида у бўлмаса, бундай тизимнинг фойдасидан зарари кўпроқ бўлади.

Иккинчидан, таълим тизимининг барча босқичлари учун рақамли таълимга ўтиш учун тегишли кадрлар тайёр бўлиши лозим. Бу борада ҳам ҳали қилинадиган ишлар жуда кўрлиги хусусида таъкидлашга ҳожат йўқ, деб ўйлаймиз.

Учинчидан, ўқувчи ва талабалар ҳам рақамли таълимдан фойдаланадиган қурулмалар билан тўлиқ таъминланган бўлишлари лозим. Масалан, ҳар бир ўқув муассаси учун маълум бир миқдорда планшетлар, сервер ва бошқа керакли жиҳозлар бўлиши лозим. Шундагина тизим таъминланади ва рақамли таълимга бемалол ўтиш мумкин бўлади.

Булардан ташқари ўқувчи ва талабаларнинг ҳақиқий ўқиш учун тегишли рағбат ҳам яратилмоғи лозим. Жумладан, ўқувчилар юқори синфга ўтишида уларни қизиқиши бўйича гуруҳларга ажратиб ўқитиш тизимни жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Бунда барча ўқувчилар ҳозиргидек, умумтаълим фанларни ўрганиш билан бирга, уларни қизиқишига қараб, алоҳида фанлар бўйича блокларга ажратиш мақсадга мувофиқ. Бунда ўқитиладиган фанлар тегишли мутахассисликка қараб блокларга ажратилади. Буни куйидаги жадвалдаги сингари блокларга бўлиб ўқитиш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Тегишли мутахассисликлар бўйича фан блокларини шакллантириш

Блок-лар	Қайси мутахассисликка йўналтириш	Ўқитиладиган фанлар
1-блок	Тил ўрганишга иштиёқи бўлган ўқувчилар ўқийди.	Она тили ва адабиёт, тарих, каби фанлар ўқитилади.
2-блок	Биохимия, геология ва медицинага қизиқиши бўлган ўқувчилар учун	Табиатшунослик, биология, химия, география каби табиий фанлар ўқитилади
3-блок	Иқтисодиёт тармоқлари, техникага оид мутахас-сислар таълим олишлари учун	Математика, физика, алгебра, геометрия каби аниқ фанлар ўқитилади
4-блок	Рассом, дизайнер, архи-тектор, тасвирий санъатга қизиқувчилар учун	Тасвирий санъат, архитектура, дизайнер каби фанлар ўқитилади

Мазкур жадвалдан кўриниб турибдики, ҳар бир блок ўзига хос бўлиб, уларда ўрганиладиган фанлар ҳам турлича. Бундай бўлиши табиий, чунки бир соҳага иқтидори бор бола, иккинчи соҳага қизиқиши бўлмаслиги мумкин. Шу туфайли уларнинг қизиқишига қараб блокларга бўлиш мақсадга мувофиқ.

¹ Ўша жойда.



Агар ушбу йўналишда ўқитиш йўлга қўйилса талаб-ёшларнинг таълим олишга қизиқиши уйғотилади, уларнинг вақти ва кучи кераксиз илмга сарфланишининг олди олинади ва ниҳоят, ўқитишнинг самарадорлиги ошиб, тегишли билим билан яхши қуролланган мутахассислар етишиб чиқиш имконияти яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Келажак – рақамли таълим ортида». Таълим тизими учун инновацион дарсликлар яратиш гуруҳи раҳбари Комил Алламжонов билан 2016 йил 19 декабрда эълон қилинган суҳбат.
2. https://www.norma.uz/uz/nhh_loyihalari/raqamli_iqtisodietni_rivojlantirish_jadallashtiriladi.



ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ: ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШДА НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР

Халикова Л.Н.

и.ф.н.доцент. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
“Иқтисодиёт назарияси” кафедраси

Аннотация: Амир Темур давлати иқтисодий сиёсатида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муҳим ўрин эгаллаган.

Амир Темур давлат тузуми тарихини ўрганиш шуни кўрсатдики, унинг замонида соҳибқироннинг бевосита раҳнамолигида ижобий ҳимоялашнинг кенг қамровли тизими амал қилган.

Kalit soʻz va iboralar: иқтисодий сиёсат, ижтимоий ҳимоя, давлат тузуми, жамият.

Резюме. Из исторических источников известно, что Амир Тимур для строительства могущественного государства и справедливого общества, эффективно использовал морально-материальную систему стимулирования населения. Процветание огромного государства при Амуре Тимуре, возможно, было в результате продуманной экономической политики, многие положения которой актуальны и в настоящее время.

Ключевые слова и словосочетания: экономическая политика, социальная защита, государственная система, общества.

Annotation: From historical sources we know that Amir Timur for the construction of the powerful state and a just society effectively used moral and material stimulation system to population. Prosperity of the huge state at Amir Timur period may have been as a result of the sound economic policy, many provisions of which are relevant in the present time.

Key words and phrases: economical policy, social defence, system of state, socialy.

Амир Темур мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти, фуқаронинг осойишталиги ва фаровонлиги, давлатнинг буюклиги турли тоифаларнинг ва турли поғонадаги амиру умароларнинг билими ва иқтидорига, адолат ва инсоф билан иш юритишига боғлиқлигини чуқур англаган. Шу боис мазкур тоифалардан, уларнинг имкониятларидан ўринли ва унумли фойдаланган. Шу билан бирга уларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган. Олий ҳукмдор турли тоифалар ва турли поғонадаги амиру уламоларни ижтимоий ҳимоялашда иқтисодий рағбатлантиришнинг улуфа шаклидан кенг фойдаланган. Чунки улуфа халқнинг барча табақаларига, айниқса, амиру сипоҳиларга таяниб, уларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қизқитириб, манфаатдорлик ва адлу инсоф билан иш юритишда ниҳоятда қўл келган. Масалан, қайси бир сипоҳи хизматда юриб қарилик ёшига етса, у улуфадан маҳрум этилмаган ва мартабасидан туширилмаган.

Амир Темур марказлашган давлат вужудга келтириш жараёнида раиятнинг мол-мулкани талон-тарож қилишдан ҳимоя қилди, ички ва ташқи босқинчилар, талончи ва қароқчиларнинг йўли тўсилди. Таъкидлаганимиздек, марказлашган кучли давлат иқтисодий сиёсатида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муҳим ўринни эгаллади. Тарихимизни билмаслигимиз туфайли яқин-яқингача аҳолининг эҳтиёжманд қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш социализм деб аталган жамиятнинг кашфиёти, капитализм деб аталган тузум бу намунадан хабардор меҳнатқашлар норозилигидан чўчиб ижтимоий ҳимоя тизимини жорий қилган деб келардик. «Тузуқлар»ни ўрганиш жараёнида Амир Темурнинг бевосита раҳнамолигида ижтимоий ҳимоялашнинг кенг қамровли тизими амал қилганлигига амин бўлдик. Агар илгарилари ижтимоий ҳимоялаш ислом динининг ахлоқий қонун-қоидаларига мувофиқ ихтиёрий хайру эҳсон шаклида амалга оширилган бўлса, Амир Темур даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг давлат тизими ҳам вужудга келиб, у иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишига айланди. Ҳамма замонларда ҳам, шу жумладан, Амир Темур замонидан ҳам раиятни адолату инсофдан чекинган, имону инсофни нафс балосига алмаштирган алоҳида амалдор ҳокимлар, беклар, қозилар, ясовулу чоповулар, закотчилар ва шунга ўхшашлардан ҳимоя қилиш талаб қилинган. Шунингдек, сипоҳилар томонидан ҳам қонун-қоидани бузиш ва кези келганда аҳоли мулкани талон-тарож қилиш, зўравонлик ҳолатлари содир бўлган. Адолатпеша бобомиз ўғри, қароқчи, зўравонларни жазолаган; фасодчи, бузукр, нафси ёмон кишиларни мамлакатдан ҳайдаб чиқарган: «Ҳокимлар, сипоқ ва раиятдан қайси бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан



чора кўрдим»¹.

Раиятга золимлар томонидан етказилган ашёвий ва жисмоний зарарлар, шариат қонунларига мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилинар, исботлангандан кейин зарар тўланар ҳамда шариат қонун-қоидаларига мувофиқ жазо белгиланарди. Йўлларни кўриқлаш, ўткинчилар, савдогарлар, мусофирларнинг мол-мулки ва бошқа нарсаларини манзилдан-манзилга етказиб бериш учун кузатувчилар, зобитлар тайинланган эди. Агар йўл устида бирортанинг нарсаси йўқолса, ўзи ўлдирилса ёки бошқа қор-қол юз берса, булар учун жавоб бериш уларнинг зиммасига юкланарди.

Аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш, қўллаб-қувватлаш борасида ҳам изчил иқтисодий сиёсат олиб борилган. Ишсизлик ўша замоннинг ҳам катта ижтимоий илллати ҳисобланган. Натурал хўжалик ҳукмронлик қилган замонда меҳнат бозори жуда суст ривожланган бўлиб, ишсизлар ва гадолар сонининг кўпайишига сабаб бўларди. Амир Темур гадоларни мамлакатни хунук кўрсатувчи омил деб қаради ва бу ижтимоий иллатнинг иқтисодий заминини йўқотмасдан, унинг олдини олиш мумкин эмаслигини аниқ таҳлил қилган ҳолда ижтимоий ҳимоя қилишнинг турли усулларидан фойдаланди. Биринчи навбатда, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор табақалари: ногиронлар, шол, кўр, қарилик сабаби билан ишлай олмайдиганлар нафақа билан таъминланди. Баъзи маълумотларга қараганда, хазинанинг ўн фоизи шу мақсадга сарфланган. Иккинчи навбатда, меҳнатга қобилиятли, билагида кучи бор фақир мискинлар ва гадоларни иш билан таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилди: «Яна буюрдикки, ҳар мамлакатнинг гадоларига вазифа юклаб иш берсинлар, токи шу йўл билан гадолик расми йўқотилсин»². Бироқ, шунга қарамай, гадоликни касб қилиб олганлар, нафақа олиб ҳам гадолик қилувчилар мамлакат ҳудудидан ҳайдаб юборилган. Мамлакатда дангасалар ва текинхўрларга нисбатан нафрат ва мурасасизлик кайфияти уйғотилган.

Амир Темур давлати ижтимоий ҳимоя тизимининг энг муҳим хусусияти шундан иборатки, салтанатда аҳолининг турли қатламларига қатъий табақалаштирилган тарзда ёндашилган, яъни ижтимоий ҳимоя давлатнинг моддий ёрдамига муҳтож бўлган жамият аъзоларигагина йўналтирилган. Ижтимоий ҳимояга табақалаштирилган ҳолда ёндашилган деганимизнинг иккинчи бир исботи шуки, қайси бир сипоҳи хизматда юриб қарилик ёшига етса, у улудадан маҳрум этилмаган ва мартабасидан туширилмаган. Ижтимоий ҳимоялаш, албатта, мамлакат ва элатларнинг миллий анъаналари ва урф-одатларига таянилган ҳолда амалга оширилган. Аҳолининг ижтимоий ҳимоялаш тизимида маҳалла-гузарлар муҳим ўрин тутган. Шунингдек, Амир Темур салтанати соғлиқни сақлаш, мусофирларга ёрдам кўрсатиш, сув чиқариш, кўприклар қуриш каби ишларда раиятдан ёрдамни аямаган. Масалан, давлат маблағлари ҳисобига ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар (дарвишлар, қаландарлар, ғариб-мискинлар тўхтайдиган, истиқомат қиладиган жой) қурилган.

Амир Темур моддий ва маънавий рағбатлантиришга жамиятни, жамоани, шахсни ҳаракатга келтирувчи улкан куч деб қаради ва ундан давлатни, иқтисодиётни бошқаришда дастуриламал сифатида фойдаланди. Хазинадан бериладиган маош фуқаронинг эгаллаган вазифаси, бажарган хизматига қараб даражама-даража ошириб борилди. Бу тарзда маош белгилаш, яъни эгаллаган вазифаси ва бажарган хизматига қараб маошнинг даражама-даража ошириб борилиши ҳозирги замонда амал қиладиган тариф сеткасини эслатади. Амир Темур бундай тизимни XIV асрнинг иккинчи ярмида жорий этган бўлса, биз эса мазмун жиҳатидан шунга монанд моддий рағбатлантириш тизимини республикамизда 1992 йилда жорий қилдик.

Амир Темур, айниқса, қўшинларнинг жанговарлик руҳини кўтариш, муҳолиф кучлар устидан ғалаба қилиш ва қўйилган мақсадга тезроқ эришиш учун моддий манфаатдорлик тамойилидан усталик билан фойдаланган. Сипоҳларнинг ойлик ҳақларини сўраттирмай берган. Рум юришида эса сипоҳларнинг руҳини кўтариш мақсадида етти йиллик озуқаларини бирданига берган.

¹ Темур тузуклари. / Б.Аҳмедов таҳрири остида. - Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996, 56-бет.

² Темур тузуклари. / Б.Аҳмедов таҳрири остида. - Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996, 95-бет.



Мамлакат ички ва ташқи сиёсатида барқарорликни таъминлашда, раиятнинг турли қатламлари орасида бирликни вужудга келтиришда, турли элат ва миллатларни марказлашган давлат атрофида бирлаштиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилган моддий рағбатлантириш тамойилининг турли қирраларини Соҳибқироннинг қуйидаги сўз ва амалий ишларида кўриш мумкин:

- ❖ Хайру эҳсон ишларим билан одамлар кўнглиданжой олдим.
- ❖ Амирларим ва сипоҳиларимни мартаба ва унвонлар, зару зеварлар билан хушнуд этдим. Дирхам ва динорларни улардан дариғ тутмадим.
- ❖ Саййидлар, уламо, шайхлар ва бошқа диний арбобларга суюрғол белгилаб, ҳар бирининг вазифасини тайин қилдим.
- ❖ Ҳар эл ва ҳар мамлакатнинг улуғларини, бошлиқ-оқсоқолларини кадрладим, уларга совға-саломлар бериб хизматларидан фойдаландим.
- ❖ Аҳли мажлис бўлмиш саййидлар, олимлар, фозил кишилар, ҳақимлар, табиблар, мунажжимлар, қиссахонлар, хабарчилар, тарихчиларга ўз ҳолларига қараб суюрғол, вази-фа ва маош белгилансин деб буюрдим.
- ❖ Раият, ҳар бир диёр аҳолисининг аҳолидан огоҳ бўлиб турдим.

Амир Темур мамлакатнинг сиёсий бирлигини мустаҳкамлашда, жаҳонгирликда, ягона марказлашган давлатни вужудга келтиришда, фан ва маданиятни ҳамда иқтисодий ривожлантиришда маънавий рағбатлантиришга ҳам буюк ҳаракатлантирувчи куч деб қаради. Шубҳасиз, моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг Амир Темур услуби биз учун тарихий сабоқдир. Унинг энг яхши томонларидан фойдаланиш, мазмунан ва шаклан кенгайтириш, уни янада чуқурлаштириш жамиятимиз ривожда ҳаракатлантирувчи куч сифатида хизмат қилишини инобатга олиб, тadbиркор бобомизнинг маънавий рағбатлантириш ҳақидаги ўғитларини китобхонларга ҳавола қилишни лозим топдик:

- лашкарни, раиятни атрофимга бирлаштириш учун мурувват кўрсатдим, уларга меҳрибонлик қилдим;
- ширин сўз ва очиқ юз билан уларни ўзимга ром этдим;
- қилган бир хизматини ўн баробар қилиб тақдирлаб, дилларини хушнуд қилдим;
- амирларим ва сипоҳларимни мартаба ва унвонлар билан хушнуд этдим;
- фуқаро ва қўл остимдагиларга раҳмдиллик қилдим, золимлардан мазлумлар ҳаққини олдим;
- раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим;
- ким менга дўстлик қилган бўлса, давлату неъмат мартабасига эришганимда унутмадим, ҳақларини адо этдим;
- менда бирон кимсанинг ҳаққи бўлса, ҳақини ҳеч вақт унутмадим;
- бирон кимса билан танишган бўлсам, уни ҳеч вақт назаримдан четда қолдирмадим;
- саййидлар, оқилу донолар, хабарчилар, тарихчиларни эътиборли одамлар ҳисоблаб, иззату ҳурматларини жойига кўйдим;
- қайси бири кўзга кўринарли бирор хизмат кўрсатар экан, инъомлар бериб, бошқалардан айрича ҳурматладим, сўнгра кўрсатган хизматига яраша мартабасини янада кўтардим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Темур тузуклари. / Б.Аҳмедов таҳрири остида. - Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996.
2. Л.Н.Халикова. «Амир Темурнинг хизмат курсатишга оид иқтисодий қарашлари». Сервис журнали №3 2019 йил.
3. Л.Н.Халикова. Амир Темурнинг ижтимоий – иқтисодий қарашлари. Монография. Самарқанд. СамДУ. 2006. – 85. – б.
4. Л.Н.Халикова. Ўрта асрларда Ўзбекистонда иқтисодийнинг ривожланиши ва хизмат кўрсатиш соҳасини шакллантиришга оид илмий қарашлар. Монография. Самарқанд. СамДУ. 2020. – 207.- б.



ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ҳайдаров Ж.А.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти,
мустақил тадқиқотчи

Аннотация. Ушбу мақолада хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ташкилий-иқтисодий механизми бўйича асосий назарий асослар кенг ўрганилган.

Калит сўзлар: хизматлар, хизмат кўрсатиш соҳаси, механизм, ташкилий-иқтисодий механизм, бозор механизми, иқтисодий механизм, молиявий механизм.

Ҳар қандай мамлакатда унинг ҳудудларида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналиши макроиқтисодий барқарорлик, яъни ЯИМ ўсиш суръатларини ошириш, иқтисодий ривожланишни кучайтириш, инфляцияни пасайтириш, ишсизликни камайитириш ва бандликни ошириш ва шунингдек, хусусий сектор ва тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш асосида амалга оширилиши лозим. Хозирги рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ташкилий-иқтисодий жиҳатдан тўғри шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ташкилий жиҳатдан оптимал ва хизматлар бозори конъюктурасига нисбатан эгилувчан бўлса, хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат фаолиятини ташкил этишни тўғри йўлга қўйиш миллий иқтисодиёт миқёсида бир қатор ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни бартараф этишга сабаб бўлади.

Жаҳон иқтисодиётининг жадал ривожланиши, бозор муносабатларининг янги шакллари пайдо бўлиши билимларни тижоратлаштириш усуллари тезлаштириш ва ўзгаришини талаб қилади. Бундан ташқари, улар халқаро миқёсда ҳам, маълум бир давлат ва унинг ҳудудларида ҳам жуда хилма-хил бўлиши мумкин, бу эса хизмат кўрсатиш соҳаси инфратузилмасини ташкилий-иқтисодий механизми тузилишини шакллантиришда долзарб из қолдиради.


Хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналарни ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бугунги беқарор ва тез ўзгарувчан бозор шароитларида хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантиришнинг принципаал муҳим шартидир. Дунёда сервис соҳасининг ЯИМдаги улуши ўртача 61 фоизни ташкил этади. Мамлакатимизда бу кўрсаткич 36 фоиздир. Лекин 86 фоиз қўшилган қиймат шу соҳада яратилади [27]. Хизматлар соҳасини ривожлантириш ва тартибга солишни инобатга олган ҳолда олиб борилаётган ишларнинг етарли эмаслиги шароитида бу соҳада мавжуд муаммоларни чуқур ўрганишга ва долзарб масалалар ечимини таъминлашга имкон берадиган янги шакл ва усуллари ишлаб чиқишга замин яратмоқда.

Ҳар бир соҳада белгиланган механизмни ишлатиш жараёнида ишлашнинг якуний мақсадлари ўртасидаги қарама-қаршиликда намоён бўладиган носозликлар юз бериши мумкин. Бунинг учун ташкилий ва иқтисодий механизмни шакллантиришда маълум бир мослашувчанлик ва тузилма керак. Бу механизмнинг ўзига хос дастакларни ва уларни қўллаш усуллари лойиҳалашда ҳисобга олиниши керак. Хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ташкилий-иқтисодий механизмини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш учун хизматлар соҳаси мажмуаси ҳолатини батафсил таҳлил қилиш керак.

Иқтисодиётда моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминловчи чуқур таркибий ўзгаришлар қаторида самарали хизмат кўрсатиш инфратузилмасини яратиш зарур. Чунки инфратузилма ҳар қандай иқтисодий тизим ва унинг таркибий тузилмалари фаолияти муваффақиятини таъминловчи мажбурий шартлардан ҳисобланади ва жамият манфаати учун фаолият юритувчи ишлаб чиқарувчи фаолиятининг узвийлиги ва тараққиётини таъминловчи хусусиятга эга бўлади. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш инфратузилма тараққиёти ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосий шакли бўлиб, улкан давр мобайнида бир қанча босқичларни босиб ўтган. Замонавий иқтисодий адабиётларда бозорни тартибга солишнинг қуйидаги турлари, жумладан, хизмат



кўрсатиш бозори ажратиш кўрсатилади: бозор иқтисодиётининг асосий қонунлари асосида ўзини ўзи бошқариш; давлат томонидан тартибга солиш; давлат томонидан тартибга солиш; корпоратив тартибга солиш.



1 – расм. Ташкилий-иқтисодий механизм компонентларининг таркибий тузилиши

1 – расмда механизмнинг ташкилий компонентларининг самарадорлиги мезонлари сифатида барча иштирокчиларнинг манфаатларини ўзгаришсиз сақлаб қолиш билан барқарор ўсиш тенденциясини аниқлаш мумкин, бу эса кейинчалик аниқлайдиган иқтисодий дастакларнинг самарадорлигини таъминлайди. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги ташкилий-иқтисодий рағбатлантириш механизмнинг воситалари тартибга солиш ва индивидуал ташкилий чоралар орқали ушбу жараёнлар иштирокчиларининг манфаатларини мақбул тарзда бирлаштирадиган, уларнинг имкониятларидан фойдаланадиган ва самарали ўзаро таъсирини таъминлайдиган комплекс таъсирдан ва ўз навбатида, кўриб чиқиладиган механизмнинг иқтисодий мақсадларидан иборат.

Бинобарин, ташкилий-иқтисодий механизмнинг моҳиятини ўрганиш учун, бизнинг фикримизча, унинг таркибий қисмларини ташкилий-иқтисодий механизмлар шаклида ажратиш мақсадга мувофиқдир. Ҳақиқатни ўрганадиган иқтисодий фан учун асосий мақсад нафақат жараёнлар, ҳодисалар, тенденциялар ва башоратларни тушунтиришдир, балки бу ўз-ўзидан ниҳоятда муҳим, шунингдек, қарорлар, механизмлар, моделлар, воситалар ва чора-тадбирлар шаклидаги аниқ ҳаракатларни миллий иқтисодиёт тармоқларининг самарали фаолият кўрсатиши учун ишлаб чиқишдир.

Назарий базани ўрганиш хизмат кўрсатиш соҳаси инфратузилмасининг ташкилий-иқтисодий механизмини барқарор ривожланиши умуман хизмат кўрсатиш бозорининг мослашувчанлигини оширади ва натижада илмий-техник тараққиётнинг тезлашишига ёрдам беради, деган хулосани беришга имкон яратади.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алексина И.С. Организационно-экономический механизм поддержки и развития малого предпринимательства: дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05 / Алексина И.С. – Великий Новгород, 2008. – 185 с.
2. Василенко Н.В. Технологии и организационно-экономические механизмы их коммерциализации в условиях современной экономики / Н.В. Василенко // Фундаментальные исследования. – 2016. – № 4-1. – С. 129-133.
3. Гордеев С.Е. Формирование организационно-экономического механизма коммерциализации инноваций в промышленности России / С.Е. Гордеев // Вестник Екатеринбургского института. – 2014. – № 3 (27). – С. 35-41.
4. Зуев А.А. Формирование требований к организационно-экономическому механизму реинжиниринга предприятия с филиалами полистранового дислоцирования / А.А. Зуев // Управление экономическими системами: электронный научный журнал. – 2014. – № 4 (64). – С. 35.
5. Ковтуненко К.В. Концептуальная дескриптивная модель организационно-экономического механизма коммерциализации результатов научно-технических исследований, разработок высших учебных заведений и их научных подразделений / К. В. Ковтуненко // Экономика и предпринимательство. – 2013. № 8 (37). – С. 390-393.



ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИ ЯХШИЛАШ, ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Ш.Б.Омонов

Самарқанд иқтисодий ва
сервис институти, ўқитувчи

Аннотация: ушбу мақолада хорижий инвестицияларни жалб қилишда иқтисодий механизм тушунчаси, иқтисодий механизмнинг такомиллаштириш масалалари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: механизм, иқтисодий механизм, солиқ имтиёзлари, инвестиция, инвестор, инвестицион муҳит

Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишда потенциал инвесторлар томонидан қабул қилувчи мамлакатнинг инвестицион муҳитини ўрганиш мақсадида турли тадқиқот ишлари, рейтинг ва статистик агентликларининг таҳлилий маълумотларидан кенг фойдаланадилар. Ушбу рейтинглардан энг кенг нуфузлиси мамлакатларнинг бизнес юритиш шарт-шароитлари рейтинги (DoingBusiness) дир. Мазкур рейтинг кўрсаткичи ишбилармонлик муҳити даражаси, мамлакатда бизнес юритиш ва инвестицияларни жалб қилиш учун зарур бўлган турли ички шарт-шароитларнинг яратилишини акс эттиради.

“DoingBusiness 2020” маърузасида жаҳоннинг 190 давлати бўйича бизнес юритишнинг соддалиги рейтингини эълон қилинган бўлиб, Ўзбекистон 190 та давлат орасида 7 поғона юқорилаб, 69,9 балл билан 69 ўринни (2018 йилда – 190 давлат орасида 76 ўринни, 2019 йилда – 74 ўрин) эгаллади¹. Ушбу кўрсаткичлардан сўнгги беш йил ичида мамлакатимизда қулай инвестицион муҳитни яратиш, ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантириш бўйича улкан натижаларга эришганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Айнан шу омиллар мамлакатимизда бизнес ҳужжатлари сони ва уларни расмийлаштириш муддатининг қисқариши, мазкур ишларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларнинг камайишига, “ягона дарча” хизматларининг ташкил қилиниши натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредит ташкилотлари фаолиятдан тўлақонли қониқиш ҳосил қилишига, валюта бозорининг эркинлаштирилиши, давлат бошқарув органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий қилинишига имкон берди.

Сўнгги йилларда экспорт-импорт операцияларининг соддалаштирилиши, “ягона дарча” тамойили асосида хизматларнинг соддалаштирилишига қарамасдан қатор соҳаларда ҳужжатлаштириш таомиллари, рухсат бериш ва савдо масалалари ўз ечимини топмасдан қолмоқда. Бироқ ишбилармонлик муҳити – инвестицион муҳитнинг таркибий қисмларидан ҳисобланиб, инвестицияларни жалб қилишда энг муҳим ҳисобланган сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, ресурслар билан таъминланганлик даражаси каби кўрсаткичларни ҳисоблашда эътиборга олинмайди.

Қулай инвестицион муҳитни яратиш билан боғлиқ масалаларга кенг эътибор қаратилишига қарамасдан бугунги кунда ҳам Ўзбекистон бугунги кунда иқтисодий эркинлик индекси, коррупция индекси, логистика самарадорлиги индекси, инсон тараққиёти индексининг паст кўрсаткичларига эга. Глобал рақобатбардошлик индекси, мулк ҳуқуқини ҳимоялаш даражаси рейтинги, мамлакатнинг халқаро савдога жалб қилинганлик рейтинги каби индексларда иштирок этмасдан қолмоқда. Инвестицион жозибадорлик масаласи бўйича Ўзбекистон мамлакат билан боғлиқ хатарлар боис, Fitch Rating, Moody's, Standard and Poor's рейтингига паст кўрсаткичларга эга ҳамда Консенсус ОЭСР ва COFACE бўйича иштирок этмасдан қолмоқда.

Ўз навбатида Ўзбекистондаги инвестицион муҳитни яхшилаш, инвестиция сиёсатининг замонавий шарт-шароитларини яратиш бўйича қулай инвестицион муҳитни яратиш ва хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб

¹ <https://www.gazeta.uz/ru/2019/10/24/doing-business-2020/>



қилишда миллий иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудий иқтисодиётнинг ресурс ва инвестицион салоҳиятини пухта таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Иқтисодий механизмни ташкил этувчи асосий элементлар таҳлил қилинган ҳолда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондлари, табиий ва молиявий ресурслар, ишчи кучи имкониятларини ўрганиш янада муҳим ҳисобланади. Айрим ҳолларда халқаро молиявий ва кредит линиялари инвестицион мақсадларда ҳудудларга ва иқтисодиёт тармоқларига инвестицион ресурслар тақчиллигига барҳам бериш мақсадида йўналтирилиши мумкин. Бироқ, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ушбу инвестицияларнинг самараси паст, инвестиция қайтими ҳам узокқа чўзилади. Бундай вазиятда асосий масала аксарият инвестицион лойиҳаларнинг самарасизлиги, маҳаллий ва корхона даражасида ушбу ресурсларга кафолатнинг мавжуд эмаслиги, хорижий инвестицияларни жалб қилиш натижасида кутилаётган фавқулодда фойда солиқ имтиёзларининг самарасизлигига олиб келиши, солиқимтиёзлари бевосита йўналтирилмаган шахсларнинг ҳам рағбатлантирилишига олиб келиши ва ўз навбатида фойда солиғидан воз кечиш билан боғлиқ харажатларнинг ортишига олиб келиши мумкин. Аксарият ҳолларда солиқ имтиёзлари кўзда тутилган асосий фаолият тури фаолиятни кенгайтириш мақсадида эмас, балки солиқ имтиёзларидан фойдаланишни кўзда тутишини яхши билиш лозим.

Адабиётлар рўйхати

1. Бланк, И.А. Инвестиционный менеджмент : учебник / И.А. Бланк. - К.: Эльга-Н, Ника- Центр, 2013. - 448 с.
2. Maskin E. Mechanism design: how to implement social goals. Nobel prize lecture. December 8. 2007.
3. Myerson R. Perspectives of mechanism design in economic theory. Nobel prize lecture. December 8. 2007
4. Макконел, К.Р. Экономикс: принципы, проблемы и политика : учебник / К.Р. Макконел, С.Л. Брю, Ш.М. Флинн ; пер. с англ. – 9-е изд. – Москва.: ИНФРА-М, 2000..
5. Черняев А.А. Основные направления совершенствования механизма функционирования АПК Поволжья. Саратов, 2006
6. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: “Молия” нашриёти, 2003. – 332 б.
7. Жумаев Н.Ҳ. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: моҳияти, сабаб-оқибатлар ва Ўзбекистонга таъсири. – Тошкент, 2009.
8. ;Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма / проф. А.В.Вахабовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Молия, 2010. – 328 б.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОТИДА ҲАР БИР ИНВЕСТИЦИЯ ТУРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎРНИ

Р.М.Мусаев

и.ф.н.доцент Самарқанд иқтисодиёт ва
сервис институти. Молия кафедраси

О.Ш.Жумақулов

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти, магистранти

Аннотация: ушбу мақолада мамлакат иқтисодиётида иқтисодий ўсиш, ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши, миллий валюта барқарорлиги ва бошқа кўплаб жараёнлар бевосита мамлакатга киритилаётган инвестициялар миқдорига боғлиқ эканлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: миллий иқтисодиёт, ички инвестиция, инвестиция, инвестицион лойиҳа, инвестицион ресурслар.

Бозор иқтисодиётининг асосий иқтисодий тушунчаларидан бири инвестициялар тушунчаси бугунги ҳаётимизга кенг ва тез кириб келишининг ўзи унинг моҳияти ва аҳамиятини, зарурлигини кўрсатади.


Инвестиция лотинча «**инвест**» сўздан олинган бўлиб «**сармоя**» деган маънони билдиради. Кенгроқ маънода қулланилганда фойда олиш мақсадида мамлакат ичкарасида ва чет елларда саноат, кишлок хўжалиги ва бошқа тармоқларига қўйилган узоқ муддатли маблағ сармояни билдиради.

Бугунги кунда инвестиция ва инвестицион жараён тушунчасига амалиётчилар ҳар хил нуқтаи назардан қарайдилар. Айрим олимлар инвестицияни ҳали ҳам «**капитал қўйилмалар**», «**капитал қурилиш**» категорияларига тенглаштириб келадилар. Аксини олганда, инвестиция ҳажми жиҳатдан ҳам, ранг-баранглиги жиҳатдан ҳам ҳозир айтилган категориялардан устун туради. Бозор иқтисодиёти шароитларида «**капитал қўйилмалар**», «**капитал қурилиш**» категориялари инвестицияларнинг таркибий қисмидир.

Инвестицияни иқтисодий аҳамияти тўғрисида фикр юритадиган бўлса, бу ўринда «инвестиция» тушунчасининг молиявий, мулкӣй ва интеллектуал қадриятларни такрор ишлаб чиқариш интӣйқоси бўлишини дастлабки ва асосий тушунча бўлиб майдонга чиқишини унутмаслик керак.

Инвестиция тўғрисида қабул қилинган қонунда кўрсатилишича инвестиция - бу иқтисодий самара олиш ёки ижобий ижтимоий натижага еришиш учун сарфланадиган пул маблағлари, банкларга қўйилган омонатлар қабила, қимматли қоғозлар, технологиялар, машиналар, асбоб ускуналар ва самара берадиган бошқа ҳар қандай бойликлардир.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси ва инвестиция тўғрисида узимизда қабул қилинган қонуннинг таҳлилидан келиб чиқиб, инвестициянинг шартли равишда 3 та турини ажратиш мумкин.



1-расм. Инвестиция турлари



Янги Ўзбекистон иқтисодиёти шаротида ҳар бир инвестиция турининг ўзига хос ўрни бўлади. Молиявий инвестициялар таркибига маҳаллий ва хорижий мамлакатларнинг пул бирликлари, банклардаги омонатлар, векселлар ва бошқа қимматли қоғозлар ҳамда уларга тенглаштирилган бойликлар киради.

Моддий инвестициялар таркибига асосий фондлар яъни бинолар, асбоб-ускуналар, иншоатлар ва бошқа турдаги асосий ишлаб чиқариш фондларининг актив ва пасив қисмлари киради.

Ақлий инвестициялар миқдори жударанг-барангдир, яъни улар мулк хуқуқлар шаклидаги инвестициялар ва табиий ресурслардан фойдаланиш шаклидаги инвестициялардан иборат.

Мулк хуқуқлар гуруҳига кирган инвестицияларнинг хиллари бозор муносабатларига нечоғлик ривожланишига, миллий бозорларнинг ўзига хос томонларига қараб ҳар хил бўлади. Ақлий меҳнатга оид ҳақ-хуқуқлар шаклидаги инвестициялар таркибига муаллифлик ҳуқуқлари, товар белгиларига бериладиган лицензиялар ва бошқа хил егаллик ҳуқуқлари киради.

Табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари кўринишидаги инвестициялари ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқларини уз ичига олади.

Ҳамма турдаги инвестициялар, уларнинг хажмидан катъий назар, бирор-бир инвестицион жараённинг натижасидир.

Инвестицияда қатнашиш таснифига кўра:

а) тўғридан-тўғри инвестициялар - асосан объект аниқ маълум мақсадни амалга ошириш реал бўлган тақдирда юналтирилган маблағдир.

Б) бошқа инвестициялар – булар воситачилар орқали объектларга сарфланади ва олиган даромад мижозлар ўртасида таксимланади.

Ўзбекистон ва жаҳон иқтисодиётининг келгуси тараққиёти, асосан, инвестицияларга боғлиқлигини бугунги кунда деярли ҳар бир мутахассис ва хўжалик юритувчи субъект англаб етганлигини назарда тутсак, ҳозирги кунда республикамиз иқтисодиётига инвестицияларни, хусусан, чет эл инвестицияларини кенгроқ жалб этиш уларнинг мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарали ижросини таъминлашнинг муҳим асосига айланганлиги билан боғлиқлигини тушуниб олиш қийин эмас.

Мамлакат иқтисодиётида иқтисодий ўсиш, ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши, миллий валюта барқарорлиги ва бошқа кўплаб жараёнлар бевосита мамлакатга киритилаётган инвестициялар миқдorigа боғлиқ. Инвестициянинг иқтисодий аҳамияти ривожланаётган давлатлар мисолида, айниқса, яққол намоён бўлади. Миллий иқтисодиёт учун инвестициянинг муҳимлиги ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва модернизация қилишда кўринади.

Инвестицион фаолиятни маблағ билан таъминлаш ҳар хил маблағлар ҳисобига амалга оширилади:

Ўзига қарашли ва жалб этилган маблағлар, белгиланган тартибда чиқарилган қимматбаҳо қоғозлар, заёмлар ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бугунги кунда Ўзбекистон хорижий инвестицияни қайси турини кўпроқ жалб қилиши керак деган савол туғилади. Аввало, биз бугунги кунда хорижий моддий инвестиция ўзлаштиришимиз зарур. Бу бизга янги технологиялар ва бошқа асосий ишлаб чиқариш фондларини жалб қилиш дегани. Бу турдаги хорижий инвестицияни жалб қилиш ҳисобига қуйидаги ютуқларга эришиш мумкин:

- Асосий ишлаб чиқариш ҳисобига фонд қайтими кўрсаткичи ошади;
- Асосий ишлаб чиқариш ўсиши бюджет тушумини оширади;
- Асосий ишлаб чиқариш ўсиши ишсизликни камайтиради;

Ва нихоят республикамизда аҳолини импорт товарлар ва хизматларга бўлган талаби қондирилишига қисман эришилади. Давлат энг керакли товарлар импортини валюта билан таъмиламакда. Бирок бу уз ўрнида бизни валюта захирамизни камайтиради ва қарзни оширади.

Ўз ўрнида агар инвестицион муҳит ёмон бўлса, инвестиция кўшни давлатларга оқади. Демак, биз инвестицион муҳитга катта эътибор беришимиз керак.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ваҳобов А.В., Ҳажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. - Тошкент: «Молия», 2010.
2. Ваҳобов А. ва бошқ. Халқаро молия муносабатлари: Дарслик /Муал.: А.Ваҳобов, Н.Жумаев, У.Бурханов. – Т.: «Шарқ», 2003.
3. Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик / Тошкент Молия институти. – Тошкент: «Ношир», 2011.
4. Ғозибеков Д., Э.Носиров. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Рисола. – Т.: «Иқтисод-молия». 2007. – Б. 48.
5. Ғозибеков Д. Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Тошкент: «Молия», 2003.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 33-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(9-қисм)

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.10.2021

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000